

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ **va** BURCH

ISSN 2010-5436

№4/2020

**КАРАНТИН  
ШАРОИТИДА**  
солиқлар ва  
бошқа тўловлар

**ЎЗ ТИЛИМИЗНИ  
ЎЗИМИЗ  
АСРАМАСАК?!**



**БАҒРИКЕНГЛИК НАМОЙИШИ**



**БА - РИКЕНГ ЛИК**  
намойиши

2

**9 АПРЕЛЬ –**  
Соҳибқирон  
Амир Темур  
таваллуд  
топган кун

10



## ЎЗ ТИЛИМИЗНИ

Ўзимиз  
асрамасак?!

12

## КАРАНТИН ШАРОИТИДА

солиқлар ва  
бошқа тўловлар

18



## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

унинг олдини  
олиш борасида-  
ги ислоҳотлар

24

Краудфандинг фақат интернет майдони ёки платформаси ёрдамида амалга оширилиши билан стартапларни молиялаштиришнинг бошқа методларидан фарқ қилади. Шу тариқа, бизнинг назаримизда, краудфандинг капитал жалб қилишга муҳтож тадбиркор, уни молиялаштирувчи инвестор ва воситачи – краудфандинг платформаси ўртасидаги инновацион ва стартап лойиҳаларини танлашдаги ҳамкорликдир.

**СТАРТАП  
ЛОЙИҲАЛАРИНИ**  
краудфандинг  
орқали  
инвестициялаш

28

**КАДАСТР ТИЗИМИ:**  
истиқбол,  
муаммолар  
ва ечим

34

**ПРОКУРАТУРА  
ОРГАНЛАРИ**  
фаолиятининг  
қиёсий таҳлили

40





## СО - ЛИҚНИ САҚЛАШ

соҳасидаги  
ҳуқбузарликлар  
учун  
қўлланадиган  
жазолар

46

## БАНКИР ОҚЛАНДИ.

Лекин...

50

## ТАДБИРКОРЛИККА ОИД

қонунчиликнинг  
тадрижий  
ривожланиши

54



## ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ:

жиноят-ҳуқуқий  
асосларни  
такомиллашти-  
риш масалалари

58

## ТАБИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИ

қонунчиликка  
доир айрим  
масалалар

62

Кўрилаётган чоралар  
туфайли 2020 йилда  
90 та объекта  
«Ақлли сув» тизими  
жорий этилса, улар  
сони 2025 йилда –  
300 тага, 2030 йилга  
бориб – 1000 тага  
етказилади. Демак,  
сувдан тежаб-тергаб  
фойдаланиш  
давлатнинг  
устувор сиёсати  
бўлиб қолади.

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги,  
Бош прокуратураси,  
Конституциявий суди,  
Олий суди

## Таҳрир кенгаши:

Русланбек Давлетов  
Ниғматилла Йўлдошев  
Бахтиёр Мирбобоев  
Козимджан Камиллов  
Бош муҳаррир:  
Аслиддин Алмардонов

## Таҳрир ҳайъати:

Ақбар Тошқулов  
Бахтиёр Исаков  
Светлана Ортиқова  
Ҳаёт Шамсутдинов  
Шерзод Рабиев  
Нодирбек Салаев

## Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов  
Навбатчи муҳаррир:  
Ҳасан Нишонов

Муқовада Ғалаба боғига ўрнатилган  
«Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуаси.  
Фото муаллифи – Аҳмад Тўра.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2012  
йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатта  
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа  
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.  
Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.  
Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан  
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-  
ҳуқуқий журналдан олинди деб кўрсатилиши шарт.  
Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз  
қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.  
PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат  
мақолалари ҳисобланади.

## Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

## Телефонлар:

Ижодий бўлим: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.  
Обуна бўлими: (71)277-04-26; Бухгалтерия: (71)277-04-72  
web-site: www.huquqburch.uz;  
e-mail: info@huquqburch.uz

f facebook.com/huquqburch.uz

telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 19.05.2020 йилда босмаҳонага топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.  
Шартли 8 б.т. Буюртма №1313. Адади: 3930.  
«Колорпак» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



# Бағрикенглик намойиши

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги инсонпарварлик фазилатлари, унинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини холисона ва адолат нуқтаи назаридан ўрганиш тарихий хотира ҳамда келажак учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида таъкидланганидек: «2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бизнинг

мард, енгилмас ва олийжаноб халқимиз буюк ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5

*Уруш бошланган даврда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин эди.*

*Шундан 1,5 миллион киши урушга сафарбар қилинган. Уларнинг 500 мингдан зиёди жанг майдонларида ҳалок бўлган.*



Президент Шавкат Мирзиёев кўрсатмаси асосида ҳақиқий тарихни тиклаш, Иккинчи жаҳон урушида аجدодларимиз кўрсатган қаҳрамонликларни улۇғлаш, ўтганларнинг номини абадийлаштириш учун Тошкент шаҳрида Ғалаба боғи ташкил қилинди.



миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, йиллар ўтган сари халқ жасорати улуғвор аҳамият касб этиб бормоқда. Инсонпарварлик ўзбек халқига хос бўлган азалий фазилатдир. Бундай фазилатлар Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида, оғир дамларда яна бир бор сивовдан ўтди.

Республикага вояга етмаган болалар билан биргаликда «Меҳрибонлик уйлари» ҳам кўчириб келтирила бошланди. Хусусан, 1941-1942 йиллар давомида Ўзбекистонга фронт орти шаҳарларидан

шқа муассасаларга, қолганлари жамоа ва шахсий тарбияга берилди. Бу ишда Қорақалпоғистон ва республиканинг барча вилоятлари фаол иштирок этди. 1944 йилда республикада болалар уйи 1941 йилдагига нисбатан икки барвар ўсиб, 222 тани ташкил этган бўлса, 1945 йил охирида 256 тага етди, жами 313 200 нафар бола тарбияланди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонга шу даврда бир миллиондан ортиқ киши эвакуация қилинди. Шундан 200 минг нафари болалар эди. Халқимиз буларнинг барчасини ўз бағрига олди, меҳр-мурувват кўрсатди. Ўша йил-

*1943 йил охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинди*

Кўпгина ўзбек оилалари иккита ва ундан ортиқ етим болаларни (Ш.Шомаҳмудовлар оиласи – 14, Ҳ. Самадовлар оиласи – 12, М.Жўраева ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 тадан) ўз тарбияларига олдилар.



ана шундай уйлардан 78 таси эвакуация қилинди. Улардан 4 таси Самарқанд, 9 таси Наманган, 13 таси Андижон, 9 таси Бухоро вилоятига, 10 таси Фарғона, 5 таси Тошкент шаҳрига жойлаштирилди. 28 та болалар уйи эса тарқатилиб, тарбияланувчилар республикадаги болалар уйларига, интернатларга ва бо-

лари республика раҳбари лавозимида ишлаган Усмон Юсупов Халқ комиссарлари кенгаши қошида тузилган эвакуация ишлари бўйича комиссия аъзолари олдида сўзлаган нутқиди шундай деган эди: «Ҳозирнинг ўзидаёқ бирор кун ҳам кечиктирмай йўлда қолиб кетган болаларни йиғиб келгани ўз вакилларимизни

<sup>1</sup> Куч адолатда. 2020 йил 25 январь.

<sup>2</sup> Хотира китоби. Ўзбекистон Республикаси (1941-1945 й), Т., 1995, – 41-б.

жўнатишимиз керак, улар болалар учун озиқ-овқат ва кийим-бош олиб борсинлар, ҳаммасини Ўзбекистонга олиб келсинлар»<sup>3</sup>. Эвакуация қилинганлар келсалар, аёллар, болалар ва турли миллат вакилларига мансуб бўлган кишилар эди. Тошкент шаҳрига 1941-1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Уруш йилларида Сурхондарё вилоятига 21 мингдан ортиқ, Қашқадарё вилоятига 30 минг нафар, Бухоро вилоятига 150 мингдан ортиқ, Фарғона вилоятига 92 минг 415 нафар, Наманган вилоятига

*Россия, Украина ва Белоруссиянинг фашистлар босиб олган ҳудудларидан 1 миллиондан ортиқ киши, жумладан 200 минг бола Ўзбекистонга эвакуация қилиниб, уларга 135 минг кв метр уй-жой ажратиб берилди.*

19 минг нафар эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилди. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланди. Боқувчисиз қолган 1780 кишига ҳар ойда нафақа бериб турилди. Наманган тумани хўжаликлари Волоколамск шаҳридан кўчириб келтирилган болалар уйини оталиққа олди. Ўша пайтда ота-онасиз қолган 300 дан ортиқ болага ғамхўрлик кўрсатилди. Тўрақўрғон, Янгикўрғон ва Поп туманларида болалар уйлари ташкил қилинди<sup>4</sup>. Бу каби тадбирлар республикамизнинг бошқа вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳам амалга оширилди. Қорақалпоғистонга 3891 нафар киши кўчириб келтирилди. 900 оила етим болаларни ўз

тарбиясига олди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ва кўчириб келтирилганларнинг 20 минг 300 нафар болалари болалар боғчасига ва болалар уйига жойлаштирилди. Шу тариқа республиканинг барча халқлари қатори қорақалпоғистонликлар ҳам эвакуация қилинган аҳолига ўзининг муносиб ёрдамини аямади<sup>5</sup>.

Қашқадарё вилоятига келган поляк болалари учун болалар уйлари очилди. Бешкент туманида ташкил этилган болалар уйида 54 нафар поляк болалари тарбияланди<sup>6</sup>. Поляк фуқароларидан мураббийлар, раҳбар ва педагог кадрлар тайёрлашга эътибор берилди. 1943 йилнинг сентябридан бошлаб поляк тилида ўқитиладиган махсус синфлар ташкил қилинди. Самарқанд шаҳрида ҳам поляк болалари учун болалар уйи ва Москвадан кўчириб келтирилган 120 нафар испан ёшлари учун интернат ишга туширилди. Эвакуация қилинган аҳоли учун Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Нарпай, Пастдарғом ва бошқа туманларида ҳам болалар уйлари ташкил этилди. Уларда 4270 нафардан ортиқ бола тарбияланди<sup>7</sup>.

Бухоро вилоятига бир қанча болалар уйлари болалар билан кўчириб келтирилди. 1941 йил 15 декабрга қадар вилоятнинг 2700 дан ортиқ аёллари етим болаларни ўз тарбиясига олиб, меҳр-муруват кўрсатдилар. 1941 йил охирида Бухоро вилоятига 10 мингдан ортиқ поляк фуқаролари ва болалари келтирилди<sup>8</sup>. Бухорода 10 йиллик поляк мактаби ишлаб турди. Шу йиллари республикада 17 та поляк болалар уйи барпо этилди. Андижон вилоятининг барча туманларида болалар уйлари очилди. Масалан, Андижон туманидаги Бўтақора қишлоқ

<sup>3</sup> Хотира китоби. Ўзбекистон Республикаси (1941-1945 й.), Т., 1995. – 89-б.

<sup>4</sup> Хотира. Наманган в. 1-китоб. Т., 1994. – 6-7-б.

<sup>5</sup> Хотира китоби. Ўзбекистон Республикаси (1941-1945 й.), Т., 1995. – 89-б.

<sup>6</sup> Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (1941-1945 й.). – Т., «Фан» 1996. – 190-б.

<sup>7</sup> Хотира. Самарқанд в. 1-китоб. Т., 1994. – 9-10-б.

<sup>8</sup> Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (1941-1945 й.). – Т., «Фан» 1996. – 334-б.





Ўрта Осиёга эвакуация қилинган 308 sanoат корхонасининг 104 таси, 30 дан ортиқ ҳарбий госпитал, ҳарбий артиллерия (тўпчи) академияси, бир неча ҳарбий билим юрлари кўчиб келди.

фуқаролар кенгаши биносида Чернигов болалар уйи, Қўрғонтепа туманида Донбассдан кўчириб келтирилган болалар уйи, Чинобод, Пахтаобод ва Холдевоубекада Куйбишевдан кўчириб келтирилган тўртта болалар уйи жойлаштирилди<sup>9</sup>.

Ҳар бир болалар уйи вилоятларга оталиқ тариқасида бириктирилди. Республиканинг барча аҳолиси каби кўчириб келтирилганларга қорақалпоғистонликлар ҳам ўзларининг муносиб ёрдамларини кўрсатди. Улар эвакуация қилинган болалар учун 11,3 тонна дон, 139 центнер гўшт, 5053 дона ҳар хил кийим-кечаклар, 7,12 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 51 дона посылка ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар<sup>10</sup>. Республикамиз аҳли ҳатто фронтдаги болаларга ҳам ёрдам кўрсатди. Жумладан, Хоразм вилояти меҳнаткашлари Ленинград қамалидаги болалар учун 3 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 минг сўм пул ва бошқа маҳсулотлар жўнатган<sup>11</sup>.

Самарқанд вилояти кўчириб келтирилган болалар уйига 1943 йилда 700 кг. дон, 500 кг. сабзавот, 250 кг. ҳўл мева, 450

*Ўзбекистонга кўчириб келтирилган sanoат корхоналари ниҳоятда қисқа муддатда ишга туширилди. 1941 йил декабрда эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси, 1942 йил 1 январда эса барчаси қайта қурилиб тўла қувват билан маҳсулот бера бошлади.*

кг. картошка ва 2083 сўм миқдориди пул<sup>12</sup>, Бухоро вилояти 15 бош қорамол, 204 та қўй, 2 тоннага яқин буғдой ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Ғузур қоракўл-



<sup>9</sup> Хотира. Андижон в. 1-китоб. Т., 1994. – 7-6.

<sup>10</sup> Хотира. Қорақалпоғистон Республикаси. 1-10 – китоб. Нукус. 1994. – 7, 9-6.

<sup>11</sup> Худойберганова. Хоразм вилояти меҳнаткашларининг фронтга ёрдами. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». Т., «Фан», 1995 № 4. 87-6.

<sup>12</sup> Хотира. Самарқанд. в. 1-китоб. Т., 1994. – 10-6.

Шоаҳмудовлар  
оиласи.

*Машҳур ҳамюртларимиз Баҳрихон Акрамова ва Шоаҳмад Шоаҳмудов ҳозир орамизда йўқ. Лекин улар уруш даврида асраб олган фарзандлари хотирасида, барча жафокаш инсонлар хотирасида яшамоқда.*

чилик совхози ишчилари боқувчисидан ажралган 23 нафар болани ўз тарбиясига олди ва уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб, озиқ-овқат билан таъминлади.

Дарҳақиқат, халқимиз жуда кўп етим болаларни қарамогига олди. Уруш йилларида оддий ўзбек темирчиси Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳрихон Акрамова турли миллат вакиллари бўлган 14 болани ўз тарбиясига олиб вояга етказганлари тарих зарварақларида зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Тошкентга етим болалар олиб келтирилганини Шоаҳмад Шоаҳмудов атрофдагилардан эшитиб қолади. Ота-оналари фронтда курашаётган ёки фашизм қурбони бўлган кишиларнинг фарзандлари бизнинг ўлкага келтирилгани Шоаҳмад Шоаҳмудовни ларзага солди. У

одамлар тўғри айтишяптими-йўқми, шуни батафсилроқ сўраб-суриштириш учун шаҳар томон йўл олади. Гап-сўзлар ҳақиқат бўлиб чиқади...

Уйга қайтгач, Шоаҳмад ота ўз рафиқаси Баҳрихон аяга бўлаётган воқеаларни бирма-бир сўзлаб беради. Натижада улар уруш етимларини ўз бағирлариغا олишга қарор қилишди. Шоаҳмад ота тезда 14-болалар уйига етиб келади. Бу ҳақда Шоаҳмад отанинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилган эди:

– Болалар уйининг ҳамма хоналари гўдак етимларга тўла эди. Улар кўзларини мўлтиратиб менга тикилишарди. Болалар ота-оналарини нечоғли соғинганлари билиниб турарди. Ранги оппоқ, қолдан тойиб озиб кетган бир болани танлаб олдим. Уни етаклаб хонадан чиқарган эдим, бошқа бир бола олдимга келиб, бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олса бўладими. «Жон амаки, мени ҳам ўзингиз билан олиб кета қолинг, ҳамма айтганларингизни қиламан, ишингизда ҳамisha ёрдам бераман», – дерди у тўхтовсиз. Уруш туфайли ўз онаси ва отасидан жудо бўлган бу боланинг оғзидан чиққан ана шу сўзлар бир умр қулоқларим остида жаранглаб турди. Мен эртага келиб, уни олиб кетишга ваъда бердим. Ваъдам




нинг устидан чиқдим. У менга ўғил бўлди». Бахрихон ая билан маслаҳатлашиб, Шоаҳмудов яна бир нечта етим болани асраб олишга қарор қилди. Болалар уйда унинг назари эти суягига ёпишган, касалманд болага тушди. Тиббий ҳамшира боладан «умид йўқлигини» айтди. Шунда темирчи: «Уни қутқариш – бизнинг бурчимиздир», – деди. Шоаҳмад ота боланинг ёнига бориб, «Сенинг отанг ҳаёт. Мен сенинг отангман», – деди.

Шоаҳмудовлар оиласининг довруғи бутун дунёга ёйилди. Бу оила сон-саноксиз табрик мактублари олди. Биз улардан айримларини келтирамиз.

сизлар ҳам мени қизим, боламиз, синглимиз деб ҳисоблашингизни жуда истар эдим. Сизларни ота-она деб аташга розилик беринг».

Челябинск шахридан В.Екимов эса шундай ёзади: «Хурматли Шоаҳмад ота ва Баҳри опа Сиз каби олийжаноб, кучли ва мағрур кишиларимиз бор. Сизларни ўйлаганда рўйи замин чиройли бўлиб кетади, офтоб сахийлик билан нур сочади, кишининг қалби қувончга тўлиб, ифтихор ҳислари мавжуриб кетади. Сиз ҳақиқатан ҳам қувонч куйчиси, офтоб, одамгарчилик ҳусни, инсон гўзаллигининг хунармандисиз».



Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги санъат саройи олдидаги майдонда Шоаҳмудовлар оиласига қўйилган ёдгорлик.

Француз хотин-қизлар уюшмаси Бахрихон опа Акрамовага юборган табригида мана шу сўзлар ёзилган: «Сизнинг уруш вақтида 10 нафардан ортиқ етим болани олиб тарбия қилганингизни эшитиб, француз оналари жуда ҳаяжонланишди. Ажойиб ишингиз, оналик меҳр-шафқатингиз учун сиздан беҳад миннатдормиз. 1963 йил 28 июнь».

Оренбурглик тўртинчи синф ўқувчиси Наташа Худайева ўз хатида бундай деб ёзган эди: «Менинг ўз ота-онам бор. Аммо

Москвалик профессор А.Ревякин сўзи: «Биз сизнинг шижоатингиз олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизга минг раҳмат, рафиқангизга минг раҳмат».

Бахрихон Акрамова ва Шоаҳмад Шоаҳмудов ҳозир орамизда йўқ. Лекин улар уруш даврида асраб олган фарзандлари хотирасида, барча жафокаш инсонлар хотирасида яшамоқда. Бахрихон Акрамова билан Шоаҳмад Шоаҳмудов ўзлари таниган ва билган одамлар орасида ёрқин хотира қолдирди. Улар ўзбек юртининг

ажойиб фарзандлари эдилар, бинобарин, уларнинг ҳаёти дўстликка хизмат қилувчи ёрқин намуна, чексиз садоқат ҳамда юксак даражадаги инсонпарварлик рамзи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади<sup>13</sup>.

Шундай саховатли инсонлардан яна бири каттақўрғонлик уруш ногирони (1944 йил қиш фаслида фронтдан қайтган) Абдуҳамид Самадовнинг ҳам бу борадаги ишлари таҳсинга лойиқ. У 12 болани ўз оиласи тарбиясига олди. У қийин бир шароитда уларни тарбиялаб вояга етказди. Бу ҳақда кейинчалик шундай хотирлаган эди: «**Кунларнинг бирида уйда бозорга олиб чиқадиган ҳеч нарса қолмади. Бериладиган егуликнинг ҳам сира чўти йўқ эди. Баъзан кечалари уйқум қочиб кетарди, юрагим тўлишиб кетганда оғзимга шинелнинг ен-**

қийинчиликларни мардонавор энгиб ўтди. Унинг жасорати ҳақида бир қанча асарлар ва кинофильмлар яратилди. Дарҳақиқат, унинг уруш йилларидаги жасорати бутун дунёга дoston бўлди.

Германиянинг Лейпциг шаҳрида яшовчи Элька Отто исмли қиздан А. Самадовга келган хат шундай мазмунда эди: «Хурматли Абдуҳамид Самадов, немис тилида чиқадиган журналлардан бирида сиз ҳақингизда ажайиб мақола ўқидим. Бу мақола менга жудаям ёқди. Ростини айтсам, ҳайратдан ёқа ушладим. Ахир сиздек олиёноб инсонлар тўғрисида аввал ҳеч эшитмаган эдим. Одамийлигингизни таърифлашга ҳатто сўз ҳам топа олмайман. Бунақасини ҳеч кўрмаганман, ишонасизми?»<sup>15</sup>.

Бу дил сўзлари инсонпарвар ўзбек халқига немис қизининг билдирган эҳтиромни эди.

Самарқандлик аёл Фотима Каримова оиласида 6 нафар фарзанди бўла туриб, эвакуация қилинган 10 дан ортиқ болани ўз тарбиясига олади. Очиғи, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек: «**Ўзбекистон аҳли уруш ҳудудларида кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онаси, онласидан жудо бўлган 200 минг нафар беғуноқ болаларни «Сен етим эмассан!» деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди**»<sup>16</sup>.

Уруш тугагач, 1946 йилнинг апрель ойида 1147 нафар поляк болалари, май ойида эса 773 нафар тарбияланувчи, 514 ходим ва уларнинг оила аъзолари махсус

*Уруш йилларида ўзбекистонлик 120 мингдан ортиқ йигит ва қизлар жанг майдонларида мардлик кўрсатгани учун жанговар орден ва медалларга, 338 киши эса Совет иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 32 нафар ўзбекистонлик жангчи учала даражадаги «Шухрат» ордени билан мукофотланди.*

гини олардим. Йиғлаётганимни болалар билишмасин дердим. Оч-наҳор ётгандан кейин ухлармиди улар. Фақат индашмасди, холос.

Эртасига бозордан тўрт қоп кепак олиб келдим – шинел ва солдат этиги учун теккани шу бўлди. Шу кеча уйдаги болаларнинг ҳаммаси шодону хандон эди»<sup>14</sup>. А.Самадов ана шундай

<sup>13</sup> Фозилжўраев Қ. «Ўзбек маҳаллалари ва оилаларининг галабага кўшган ҳиссаси». // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т. «Фан» нашриёти, 1995. 77-83 бетлар.

<sup>14</sup> Худойбердиев А., Содиқов Ш. Чирғоғи ёниқ хонадон. // Инсон ва қонун. 2005 йил 26 апрель.

<sup>15</sup> Совет Ўзбекистони. 1980 йил 9 апрель.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. «Халқ сўзи», 2019 йил 10 май.



Тошкент  
шаҳридаги  
Ғалаба боғи.



эшлонларда Польшага кузатиб қўйилди. Биргина Қарши шаҳридан 1946 йил 10 апрелда 588 нафар бола ўз уйларига қайтарилди. Уларни кузатиш чоғида Польша бирлик ҳукумати вакили Ружа халқимизга ўз миннатдорлигини билдириб шундай деган эди: «Йиллар ўтар... Бугун биз ўз юртимизга қайтиб кетяпмиз, биз ўзимиз билан сизлар асраб қолган келажагимиз, фарзандларимизни олиб кетяпмиз».

Шунингдек, одессалик Л.Магулка шундай деган эди: «Мен уруш йилларида кўп минглаб инсонлар қатори опам, синглим ва уларнинг болаларини ўз бағрига олиб, меҳрибонлик кўрсатган ўзбек халқига таъзим қиламан. Бу халқнинг бу қадар олийжаноблигини, меҳр-оқибатлигини, халқсеварлигини бронза ёки гранитга ўйиб ёзишларини сўрар эдим»<sup>17</sup>.

Юртдошларимиз тўғрисида билдирилган бу фикрлар халқимизнинг юксак инсонпарварлик фазилатларига далолатдир. Биринчи президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатланти-

ради» мазмунидаги фикри халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжихатликнинг нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзининг нималарга қодир эканини, матонатини намойиш этди. Халқимиз ўзининг мусибатларини билдирмасдан, оиласидаги қайғу-аламларини бир четга суриб қўйиб, ўзбекларга хос бўлган жасоратни намоён этган эди.


Ёшларимизда боболаримиз жасоратидан фахрланиш туйғусини камол топтириш, уларни инсонпарварлик, бағрикенглик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги кунда ўта муҳим масалалардан эканини унутмаслигимиз зарур.

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг жасоратини атрофлича ўрганиш ва уни ёш авлодга етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Тинчлик учун, ёруғ келажагимиз учун курашган азиз инсонларнинг жасорати мангуликка дахлдордир.

**Ҳакимали АЗИМОВ,**  
ТДЮУ доценти

<sup>17</sup> Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (1941–1945 й.). – Т., «Фан» 1996. – 190-б.





... Доно вазир шулдирки, ўз ўрнига  
караб гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса  
мулойимлик билан иш юритади...

Салтанат ишларини сабр-тоқат,  
чидам билан адо этади, муаммоларни  
ўз ўрнида қаттиққўллик билан ҳал қилади.

Бу хилдаги вазирни давлат шериги  
деб билсинлар, чунки давлату салтанат  
уч нарса: мулк, хазина ва лашкар  
билан тикдир.



# Ўз тилимизни ўзимиз асрамасак?!



Тилга муносабат – мустақилликка, давлатчилигимизга муносабат. Давлат идораларида ўзбек тилига муносабатга шундай ёндашиш керак. Агар бу идораларда ҳали ҳануз ишлар, ҳужжатлар тўлиқ ўзбек тилида юритилмаётган экан, унда биз ҳали мустақил давлатмиз, ўз йўлимизни, келажагимизни ўзимиз белгилаймиз деб керилишимиз ўринсиз. Ўзбек тили фақат Ўзбекистонда давлат тили. Бошқа бирон давлатда эмас. У ягона, унинг бошқа жойда яшаш имкони, кафолати йўқ. Худди бошқа давлатларнинг миллий тили каби.

Ўзбекистонда барча давлат ҳужжатлари, иш ўзбек тилида юри-тилиши шарт. Бу ўзбек номини олган давлатнинг бош вазифа-си, чегара, армия, миллий валюта каби ўзбек тили ҳам «Ўзбе-кистон» деган миллий давлатчиликнинг кафолати, рамзи.

Тарихдан маълумки, ҳар бир мамлакатнинг миллий рамзлари бўлган ва уларнинг муҳофаза-си қонунларда мустақамлаб қўйилган. Шундай рамзлардан бири тилдир. Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Респуб-ликаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлай-ди, уларнинг ривожланиши учун шароит ярата-ди» дея белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатида мақоми ва нуфузини мус-тақамлашга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган дастлаб-ки палладаёқ турли-туман қарашлар ва фикрлар юзага чиқди. Ўзини шу юрт келажаги, шу миллат истиқболи учун дахлдор деб билган инсон борки, ўзбек тилининг мавқеини ошириш билан боғ-лиқ муаммоларни ҳамда ўз таклифларини дадил кўтариб чиқмоқда, фикр-мулоҳазаларини бил-дирмоқда. Бироқ лойиҳани батафсил ўқимасдан, мазмун-моҳиятини теран англамасдан қилдан қийиқ ахтараётган, эътироз билдираётганлар-нинг ҳам борлиги ғоятда ачинарли. Ҳолбуки, лой-йиҳада шахснинг тилин эркин танлаш ҳуқуқла-рига дахл қилинмаяпти. Ҳеч бир тилга тажовуз қилинаётгани йўқ. Содда қилиб айтганда, ҳеч ким бировни ўзга тилда сўзлагани учун жавоб-гарликка тортмаяпти. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддаси давлат ор-ганлари ва ташкилотларида иш юритишда дав-лат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талаблари-га риоя этилишига оид норма билан тўлдирила-япти<sup>1</sup>, яъни давлат тилини ҳурмат қилиш талаб этиляпти, холос. Шу боис ҳеч қандай муаммо ёки саросимага ўрин йўқ. Бу ерда асосий мақсад ким-

нидир жазолаш эмас, ўзбек тилига ҳурмат-эҳти-ром кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Кўриб ҳайрон қоласан киши: кўча-кўйда хато ёзилган сўз ва иборалар ниҳоятда кўп. Ахир ўз ти-лимизни ўзимиз асрамасак, ким асрайди? Унинг ҳурматини жойига қўймаётганларга қарши биз курашмасак, ким курашади? Шу миллат фарзанд-лари – ҳамма-ҳаммамиз она тилимизни сақлаш учун жон куйдиришимиз керак.

““

Янги норма давлат органлари ва ташки-лотларидаги мансабдор шахсларнинг дав-лат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талаб-ларини ўрганиш ва унга сўзсиз амал қилиш борасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Болаларимизнинг нутқи қандай? Тутилади, дудуқланади. «Анақа», «ҳалиги», «нима десами-кин», «ўша-де» кабиларни ҳар икки сўз орасида гўё «боғлама» сифатида қўллайди ва бундан хи-жолат ҳам чекмайди. Кўпинча ҳатто аризани қой-йиллатиб ёзиб, фикрини лўнда ва аниқ тушунти-риб бера олмайди. Шундай экан, агар биз тили-мизни асраб қолиш ва ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўрмас эканмиз, тилшунос мута-хассисларимиз айтаётганидек, элик йил ичи-да у ўзининг илмий, адабий ва сиёсий мавқеини йўқотиб, уй ва кўча доирасида ишлатиладиган маиший тилга айланиб қолар экан. Маиший да-ражага тушиб қолган тилнинг умри унда гапи-рувчи одамлар умри билан ўлчанади.


<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/society/zbek-tili-zbekistonning-rasmiy-davlat-tili-emasmi-29-04-2020>.



Тақдим этилган қонун лойиҳасида давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритишни таъминлаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгиланиши хусусида сўз юритилади. Яъни, ҳар бир давлат органи ва ташкилоти раҳбарлари – мансабдорларнинг иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари белгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат органлари ва ташкилотларидаги мансабдор шахсларнинг давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларини ўрганиш ва унга сўзсиз амал қилиш борасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Мустақиллик йилларидаги тарихий миллий тажриба шохидлик беришича, шу вақтга қадар давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга бўлган эътибор бу даражада қонун билан қатъий мустақамланмаган эди. Бундан хавотирга тушиш, «пашшадан фил ясаш», бўлмағур сафсаталарни тарқатиш ярамайди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш жараёнида, энг аввало, ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши беқиёс аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ўзбек

тилини ҳаётимизнинг барча соҳасида қўллашнинг қонуний асосларини яратиши баробарида, уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, илмий-ижодий фаолиятда тўлақонли фойдаланиш имкони пайдо қилди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг ривожланишида, маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик, олий қадрият сифатида шаклланишида кучли омил бўлапти. Шу билан бирга, бошқа тилларнинг ҳам изчил тараққий топишини ҳар томонлама қоғалтламоқда. Жумладан, давлат тилини ўрганиш учун фуқароларга шарт-шароит яратиш, шунингдек, юртимизда яшовчи миллат ҳамда элатларнинг тилларига иззат-хурмат билан муносабатда бўлиш қонуннинг алоҳида моддасида мустақамлаб қўйилган. Маълумки, давлат тили ва бошқа тилларнинг ривожланишида таълим муассасалари катта роль ўйнайди. Қонунга мувофиқ мактабгача таълим муассасалари давлат тилида фаолият кўрсатиши билан бирга, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз тилларида ҳам фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши белгиланган. Шунингдек, юртимиз аҳолисига таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, давлат тилида ҳамда бошқа тилларда умумий, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий маълумот олиш таъминланган. Хусусан, мактаб таълими 7 та – ўз-



бек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва рус тилларида олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжат давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли муносабатларда давлат тили ҳамда бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солувчи нормаларни қамраб олган.

Қонунда Ўзбекистон қонунлари давлат тилида қабул қилиниб, шу тилда ва бошқа тилларда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда яшовчи турли миллат ҳамда элатларнинг нафақат ўз тилларидан эркин фойдаланиши, балки юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларидан ўз вақтида бохабар бўлиши, қонун нормаларини тўғри талқин этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бундан ташқари, судлов ишларини юритиш, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларни тўлдиришда ҳам бошқа тилларда таржимаси такрорланишини ёки ўз тилида сўзлашни, таржимонлар жалб этишни белгилувчи нормалар билан тўлдирилгани инсоннинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу унинг ҳуқуқлари дахлсизлиги-га шароит туғдиради.

Ахборот олиш кафолатлари ҳамда эркинликларини таъминлаш мақсадида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ноширлик, реклама фаолиятида ҳам давлат тили билан бир қаторда, бошқа тилларга етарлича шароит яратилишига эътибор қаратилган. Бугунги кунда 12 тилда телекўрсатув, 13 тилда радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани қонун нормаларининг амалдаги ифодасидир.

Аммо Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига билдирилган айрим эътирозларда тилга олинаётганидек «Пушкин тили» дейилувчи рус тили камситилаётгани йўқ. Ҳеч ким бировни бошқа тилда гапиргани учун жавобгарликка тортмаяпти. Ижтимоий тармоқларда айтилаётганидек, бу Россия билан муносабатларга соя солишга қаратилган ҳаракат ҳам эмас. Бор-йўғи янги таҳрирдаги моддада «Давлат органлари ва ташкилотларида иш юртишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади» деган қўшимча киритилмапти, холос.

Эътибор қилинг: Россия Федерацияси ва Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг устувор вазибалардан. Мана яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Евроосиё иқтисодий иттифоқига кузатувчи мақомида кириш учун овоз берди<sup>2</sup>. Боз устига, Ўзбекистон билан Россия ўртасида савдо, иқтисодиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир икки юздан зиёд ҳужжат қабул қилинган. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома уларнинг энг муҳимларидир<sup>3</sup>. Мамлакатларимиз БМТ, ШИҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақалараро алоқалар ҳам жадал ривожланыпти. Тошкентда икки давлат президентлари иштирокида «Ўзбекистон — Россия» ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди. Бу Россия Федерацияси субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот учун доимий майдонга айланди. Бунинг амалий тасдиғи ўлароқ, Россия минтақалари раҳбариятлари даражасида, жумладан, Чеченистон ва Татаристон раҳбарла-

<sup>2</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/30859/>.

<sup>3</sup> <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-va-rossiya-strategik-sheriklikning-25-yili-30-11-2017>.



ри, Санкт-Петербург, Челябинск, Иваново, Оренбург ва бошқа вилоятларнинг губернаторлари билан 20 дан ортиқ икки томонлама ташрифлар амалга оширилди. 2019 йилда Ўзбекистон ташқи савдосида Россиянинг улуши 16 фоизни ташкил этди. Бинобарин, Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шериги бўлиб қолмоқда. Ўзаро товар айирбошлашнинг ижобий динамикасини инobatга олган ҳолда, кўрсаткичларни 10 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилаётир.

Россия билан фан, таълим, маданият, санъат, спорт, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Икки давлат халқлари бир-бирининг маданияти ва адабиётига ҳурмат билан қарайди. Москва шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали, пойтахтимизда рус шоири Александр Пушкин ҳайкали қад ростлаган. Мамлакатимизда Россиянинг

верситети филиали ҳам қўшилди. Москва давлат халқаро муносабатлар институти ва Москва муҳандислик-физика институти филиаллари очилди. Тошкентда мамлакатларимиз тарихида илк бор таълим форуми бўлиб ўтди. Унда Россиядаги 80 дан ортиқ етакчи олий ўқув юртлари вакиллари қатнашди. Дунёнинг бирор бир мамлакати билан Россиячалик маданий гуманитар алоқалар бу қадар кенг эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси парламенти билан Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси ўртасидаги алоқалар бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи тузилган.

Ўзбекистон ва Россия президентларининг сиёсий иродаси икки томонлама ҳамкорликни



Тилимизга саводсизларча муносабатда бўлиш натижасида кун сайин оҳори тўкилиб бормоқда. Ахир ўз тилимизни ўзимиз асрамасак, ким асрайди? Унинг ҳурматини жойига қўймаётганларга қарши биз курашмасак, ким курашади? Шу миллат фарзандлари – ҳамма-ҳаммамиз она тилимизни сақлаш учун жон куйдиришимиз керак.

етакчи олий таълим муассасалари филиаллари очилган. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик туфайли 2019/2020-ўқув йилида 100 га яқин йигит-қизларимиз Россиядаги олий таълим даргоҳларида тахсил оладиган бўлди. Ўзбекистон Россия олий ўқув юртларида талабаларнинг тахсил олиш кўрсаткичлари бўйича етакчилар қаторида туради. 2017 йилда ўзбекистонлик 5500 дан зиёд абитуриент Россия олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Юртимизда самарали фаолият юритаётган М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ҳамда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети қаторига Олмалиқда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Миллий технологик тадқиқотлар уни-

мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Хуллас, хавотирланишга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳеч кимнинг ҳуқуқи ва эркинликлари чекланмайди. Ҳар бир миллий тил жуда қўплаб катта-кичик тилларнинг қуршовида яшайди. Масалан, ўзбек тилининг жўғрофий маконлари атрофида ҳинд, рус, форс, араб ва европа тиллари фаол ҳаракатда эканини кўрамыз. Ўзбек тили дунёдаги ана шу тиллар билан бевосита алоқада, улар билан ҳамкорликда яшайди. Фақат бошқа йирик тиллар ичида ўз мавқеини йўқотиб, бой бериб қўймоқчи эмас. Тил тараққиётига давлат, миллат, халқнинг ўзи ҳам ҳеч қачон лоқайд муносабатда бўлолмайди.

**Ташпўлат МАТИБАЕВ,**  
социология фанлари доктори,  
профессор



# Ўзбекистонда давлат тили ЎЗБЕК ТИЛИДИР

Давлат ўзбек тилининг  
бойитилиши ва такомиллаш-  
тирилишини таъминлайди.



Фуқароларга давлат  
тили бепул ўқитилади.

Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи  
барча миллат ва элатларнинг тиллари,  
урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат  
қилинишини таъминлайди.



Ўзбекистонда ўтказиладиган  
халқаро анжуманларда давлат  
тили, шунингдек қатнашчиларнинг  
ўзлари танлаган тиллар анжуманнинг  
иш тили ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув  
органларида иш давлат тилида  
юритилиши ва заруриятга қараб  
бошқа тилларга таржима  
қилиниши лозим.



Ўзбекистон ҳудудида реклама давлат  
тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига  
кўра бошқа тилларда тарқатилади.

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа  
кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари  
давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон  
қилинади, бошқа тилларда таржимаси  
берилиши мумкин.



Тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек  
Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик

223 000 сўмдан → 446 000 сўмгача

жарима солишга сабаб бўлади.





# Карантин шароитида солиқлар ва бошқа тўловлар

Коронавирус пандемияси даврида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмининг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви кузатилмоқда.

id/page/natogovna-etimoi-va-period-karantini

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

71 202-32-82, 1198 ХУДУДИЙ ОРГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПҚ-5969-сон Қарори

COVID-19: Солиқ имтиёзлари

Асосий сўзлаб > Солиққа тортиш > COVID-19 Солиқ имтиёзлари

Юридик шахслар учун | ЯТТлар учун | Жисмоний шахслар учун

🔍 КўП БЕРИЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР (10)

**Юридик шахслар учун**

Қишлоқ ҳўжалигидаги ерларни сўғориш учун фойдаланиладиган ҳўжялар бўйича **сув ресурсларидан фойдаланганичўк учун солиқ ставкалари** 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фогага пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПҚ-5969-сон Қарори

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳўдудий бошқирмалари раўзбарларининг ҳўпосалари асосида маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари томонидан ҳўжалик қўритувчи субъектларга **вод-мулк солиқига солиниши ва сув ресурсларидан фойдаланганичўк учун солиқ** ставка тўлими бўйича **фискаларий уқдирлиқлардан 6 ойга кенейтириши (ўзлаб-ўзини тўлиши)** тақдими этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 йилдаги ПҚ-5969-сон Қарори

Солиқ солишга оид умумий маълумотлар >

COVID-19: Солиқ имтиёзлари

Юридик шахсларга солиқ солиш >

Жисмоний шахсларга солиқ солиш >

Яқо тартибдаги тадбиркорларга солиқ солиш >

Норезидентларга солиқ солиш >

Айлима таълим олувчиларга солиқ солиш >

Отвориете нима сооби

Деярли барча давлатлар пандемияга қарши ўз рецептларини, яъни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар ва ўз-ўзини банд қилган фуқароларга беминнат грантлар, имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш каби чораларни ишлаб чиқмоқдалар. Шу билан бирга ҳукуматлар солиқ қоидаларини юмшатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.



Коронавирус инфекциясига қарши киритилган чоралар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга 2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилди.

### **Хўш, бундай ноодатий вазиятда солиқ муносабатлари қандай ташкил этилгани маъқулроқ?**

Солиқлар ҳақида гап кетганда, авваламбор, унинг мажбурий тўлов эканига ургу берилади. Конституциямизнинг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурияти айтиб ўтилган. Шунингдек, Солиқ кодексида ҳам солиққа тортиш мажбурийлик принципи асосланиши кўрсатилган.

### **Солиқ муносабатлари ҳар доим ҳам мажбурийликка асосланиши керакми?**

Ушбу саволга жавоб бериш учун солиқ муносабатларини тартибга солишни таъминлайдиган ҳуқуқий асослар, яъни солиқ қонунчилигининг асосий жиҳатлари, хусусан, уларда қўлланиладиган ҳуқуқ усуллари ва уларнинг моҳиятига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Солиқ қонунчилигида императив ва диспозитив усуллар қўлланилади.

**Императив усул** оммавий ҳуқуқ усули бўлиб, баъзи субъектларнинг ҳолати (давлат органлари, мансабдор шахслар) уларга ваколат беради, бошқа томондан (фуқаролар ва уларнинг ташкилотлари) тегишли вазифаларни юклайди. Натижада бу субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳокимият ва бўйсунуш муносабатлари сифатида шаклланади.

Солиқ муносабатлари давлат қонунлари билан тартибга солингани сабабли императив усул кўпроқ қўлланилади.

**Диспозитив усул** фуқаролик ҳуқуқи усули ҳисобланиб, муносабатлардаги томонларга ўз ҳаракатларини ўзларининг хоҳишларига кўра тартибга солишга, яъни мувофиқлаштиришга имкон беради.

Солиқ қонунчилигида ушбу усулнинг қўлланиши солиқ тўловчининг танлаш ҳуқуқини ишлатишини ўз ичига олади. Масалан, солиқ органлари корхоналарга солиқни тўлаш муддатини узайтиришни тақдим қилиши, солиқлар бўйича кредит бериш тўғрисида шартномалар тузиш кабилар.

Демак, коронавирус пандемияси каби инқирозли вазиятларда давлат солиқ қонунчилигининг ҳокимият ва бўйсунуш усулидан эмас, балки мувофиқлаштириш усулидан фойдаланган ҳолда чоралар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, инқирозга қарши чоралар доирасида солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципнинг қўламини кенгайтириш инқироз пайтида иккала томонга ҳам фойда бериши мумкин.

2020 йилнинг март ва апрель ойларида Президентимизнинг икки фармони билан солиқларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсирининг олдини олиш борасида бир қанча имтиёз ва преференциялар белгилаб берилди.

Ушбу имтиёзлар солиқ тўловчиларнинг ҳар бир гуруҳига, яъни жисмоний ва юридик шахсларга татбиқ этилади.





**1** Дастлаб жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ юкини камайтириш бўйича берилган имтиёз ва енгилликларни ҳамда улар ихтиёрида қоладиган маблағларни Давлат солиқ қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида кўриб чиқамиз.

**1.** Солиқ кодексининг 31-моддасига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси (223 000 сўм) 50 фоизгача камайтирилди ёки 111,5 минг сўмга туширилди. Бу 239 мингта якка тартибдаги тадбиркорга 232,9 млрд. сўм маблағини тежаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, агар якка тартибдаги тадбиркор карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлса, у ҳолда унга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорга катта кўмак бўлади.

**2.** Солиқ кодексининг 397-моддасига биноан солиқ тўловчилар жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишлари белгилаб қўйилган.

Лекин, ҳозирги коронавирус пандемияси даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш ва карантин қоидаларига риоя қилиш мақсадида, жисмоний шахсларнинг 2019 йил учун жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш муддати 2020 йил 1 августгача узайтирилди.

**3.** Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳам кечиктирилиб, 2020 йил 15 апрелдан 15 октябргача узайтирилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича 7,3 млн. нафар фуқарога 2020 йил учун 2 трлн. сўм солиқ ҳисобланган эди. 15 апрелда унинг тўланадиган қисми 1 трлн. сўм бўлиб, бугунги кунда 1,2 млн. нафар фуқаро томонидан 341 млрд. сўми тўланди.

Қолган қисми – 670 млрд. сўм 15 апрелгача тўланиши лозим эди. Ушбу суммани тўлаш муддати ҳам 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилди.

**4.** 2020 йил 1 апрелдан бошлаб жисмоний шахсларнинг хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинadиган даромадлари солиқдан озод қилинди. Бу ўртача 28,4 млрд. сўмни ташкил этади.





Имтиёзларнинг иккинчи тўплами тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Хусусан:

1. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилди.

Бу имтиёздан 83 мингта фермер хўжалиги фойдаланиб, улар тўлаши белгиланган 300 млрд. сўмлик солиқ суммасидан 150 млрд. сўми иқтисод қилинади.

2. Туризм ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди. Уларга ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган мингдан ортиқ субъект фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, 2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик йиғимни ҳисоблаш тўхтатилди.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш имкониятини (бў-

либ-бўлиб тўлаш) тақдим этди. Бундан 14 минг 828 та субъект фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 100-модасида кўрсатилган ҳолатларда бошқа солиқ турлари (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ) бўйича ҳам солиқни тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

Бунда солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилган тақдирда берилади.

Ушбу имконият Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши билан амалга оширилади.

4. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд. сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисоб-фактураларни қўллайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу солиқни ҳар чоракда ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.







5. Тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоизга камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечиктирилди. Тадбиркорлар бу имтиёزلардан солиқ идорасини уйдан туриб хабардор қилиши мумкин.

6. Юридик шахсга фоиз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз тақдим этилганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромад фойда ва айланмадан олинадиган солиқларини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди ва йил якунига қадар солиққа тортилмайди.

7. Фойда солиғини тўловчилар фақатгина 2020 йилнинг иккинчи чорагидан қутилаётган ҳажмларидан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда

тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёزلарни солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллашлари мумкин бўлди.

9. Бундан ташқари, баъзи тадбиркорлар товар, турли ускуналар олиш учун чет элдаги ҳамкорларига маблағ йўналтирган, лекин коронавирус билан боғлиқ вазият туфайли маҳсулот ўз вақтида етиб келмаган бўлса, эндиликда бундай вазиятда қўлланиладиган молиявий санкциялар бекор қилинади.

Бу дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 813 субъектга 717,2 млрд. сўм молиявий жарималар қўлланилмайди дегани.

10. Давлат солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пеняларни ҳисоблашни тўхтатиб туради, шунингдек солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди.

11. Президентимизнинг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا биноан 2018-2019 йилларда тадбиркорлик субъектларида ҳужжатли текширишларни ўтказмаслик тўғрисида мораторий эълон қилинган эди. Шу мораторий бир йилга – жорий йил якунига қадар узайтирилди, яъни 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш ҳам тўхтатилди. Шунингдек, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъекти қийинчиликка учраётган бўлса, уларга солиқлар ва асосий тўловларни узайтириш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга ҳеч қандай жарима чоралари қўлланилмайди.

12. Жорий йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар, гигиена воситалари каби асосий истеъмол товарларини импорт қилишда божхона божи ва акциз солиғи ундирилмайди.

13. Спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг амалдаги ставкалари йил якунига қадар ўзгармайди.



## Булардан ташқари, тадбиркорлик субъектларига яна қуйидаги қўшимча шароитлар яратилди:

✓ 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди;

✓ коронавирус инфекциясига қарши киритилган чоралар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга 2020 йил 1 октябргача мораторий жорий этилди;

✓ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати 2020 йил 1 октябргача узайтирилди;

✓ акционерларнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишларини 2020 йил 1 октябргача муддатда, шунингдек, видео-конференц-алоқа режимида ўтказишга рухсат берилди;

✓ активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича талаб 2020 йил якунлари бўйича киритилиши белгиланди;

✓ 2020 йил 1 октябргача дорихоналарда тайёрланадиган дорилар, тиббий буюмлар ва бошқа маҳсулотларни улгуржи сотишга рухсат берилди;

✓ карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фой-

даланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилди;

✓ карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилди;

✓ барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилди;

✓ карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланди;

✓ аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинди;

✓ коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод этилди;

✓ коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди;

✓ ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттираётган юридик шахслар ўз ишчиларига шарт-шароитлар ташкил этиши устидан доимий мониторинг олиб бориш учун уларга санитария-эпидемиология хизматлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бириктирилиши таъминланади ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.



Юқорида кўриб чиқилган солиқ қоидаларини юмшатиш борасидаги чоралар сўзсиз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бунда солиқ органлари солиқ тўловчилар билан фаол ҳамкорлик қилиши лозим.

Назарали НОРБАЕВ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти бўлим бошлиғи



# Мажбурий меҳнат

## унинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар



Юртимизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли шароитларда ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи қонун нормалари билан қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Меҳнат муносабатларини тартибга солиш масаласи ҳамон долзарб. Мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар давлат раҳбариятининг диққат марказида турибди. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда, ушбу ташкилотнинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси ратификация қилинди. ХМТ конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир ҳаракатлар режаси қабул қилинди, ХМТ экспертлари-

нинг иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторинги олиб берилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, сўнгги пайтларда ҳокимлар таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилаётган ҳолатлар кузатилмоқда. Мансабдорларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, юқорида айтиб ўтилган шахсларни кўрқитиши, ҳақорат қилиши, ҳатто уларга нисбатан куч ишлатиши ҳам қайд этилмоқда.

Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2019 йилги пахта йиғим-терим мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйгани сабабли маъмурий жазимага тортилган мансабдорлар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатдан 43 нафар мансабдор ўрин олган бўлиб, уларнинг икки нафари ҳоким, беш нафари ҳоким ўринбосаридир. Шунингдек, жавобгарликка тортилганлар орасида банкларнинг худудлардаги 15 та филиали бошқарувчиси, тиббиёт бирлашмаси, солиқ инспекцияси, мактаб раҳбарлари ҳам бор. Улардан жами 772 млн. сўм жазима ундирилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш кераки, одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилаётган бундай мансабдорлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига путур етказмоқдалар. Хусусан, Ғарб давлатларидаги ҳуқуқ ҳимоячилари, бизнес ва инвестиция гуруҳларидан тузилган «Cotton Campaign» коалицияси 2010 йили болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат эвазига терилган ўзбек пахта-сига бойкот эълон қилган ва бу бойкотга умумий капитали 1 триллион долларга тенг бўлган Nike, Zara, GAP, C&A, Levi's, H&M, UNIQLO каби етакчи кийим-кечак ва тўқимачилик ширкатлари қўшилган эди.

«Cotton Campaign» меҳнат ва ҳуқуқ ҳимояси билан шуғулланувчи, инвестор ва бизнес ташкилотларининг халқаро коалицияси бўлиб, мақсади пахта етиштиришда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймасликдир.

Расмий маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 4 февралда бош вазир ўринбосари (ҳозирда Олий Мажлис Сенатининг раиси) Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациянинг Вашингтонга ташрифида «Cotton Campaign» ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига қарши бойкотни бекор қилиш режасини тақдим этган эди. Хусусан, йиғилишда Ўзбекистон қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлар ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича чоралар, фермерликни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш, агросаноат мажмуини ислоҳ қилиш ва пахтачиликни механизациялаш бўйича батафсил маълумот берилган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-қарорига кўра умумхалқ ҳашари фақатгина Ўзбекистон президентининг тегишли ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлгандагина ўтказилади.

Шу билан бирга, «Cotton Campaign» асосчиси Беннет Фриман учрашувда Ўзбекистон тарихий аҳамиятга молик ислохотларни амалга ошираётгани ва мажбурий меҳнатни йўқотиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришаётганини, Ўзбекистон ҳукумати билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг нозик масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини маълум қилган.

Мулоқотнинг узвий давоми сифатида 2020 йил 27 январь

– 6 февраль кунлари «Cotton Campaign» халқаро коалицияси вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда қатор ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари билан учрашди. Ташриф якунига кўра ўзбек пахтасига жорий этилган бойкотни бекор қилиш масаласи очик қолди.

«Kup.uz» нашрининг хабар беришича, Ўзбекистонда короновирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш кетаётган шу кунларда Ўзбекистон бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазир Нозим Ҳусанов «Cotton Campaign» халқаро коалициясининг ҳаммуассиси Беннет Фриман, Ишчилар ҳуқуқлари бўйича халқаро форумнинг ижрочи директори Жуди Герхард, «Cotton Campaign» координатори Эллисон Гиллга мамлакатда ишлаб чиқарилган пахтадан фойдаланиш учун бойкотни олиб ташлашни сўраб мурожаат қилди. 2020 йил 16 апрелда «Cotton Campaign» халқаро коалицияси мазкур мурожаатга рад жавобини берди.





The Cotton Campaign is a global coalition of human rights, labor, investor and business organizations dedicated to eradicating child labor and forced labor in cotton production. Our goals are to end the state systems of forced labor in Uzbekistan and Turkmenistan's cotton sectors. We pursue our goals by advocating to the governments of Uzbekistan and Turkmenistan; advocating to governments, companies, investors, and international institutions to use their influence with the governments of Uzbekistan and Turkmenistan; supporting civil society in Uzbekistan and Turkmenistan; and raising public awareness and activism.

Tweets by @cottoncampaign

**Cotton Campaign**  
@CottonCampaign  
Go join the Cotton Campaign increases its combats for these tragedies and misery with the people of Uzbekistan and Turkmenistan. Help us end cotton slavery now!  
12621119013712193

«Cotton Campaign» коалициясининг жавоб хатида 2019 йилда Ўзбекистонда 100 мингдан ортиқ киши мажбурий меҳнат билан банд бўлгани, брендларга ишчиларнинг ҳимояси борасида қўшимча қафолатлар зарур экани айтилган.

Коалиция Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқларини тан олгани ҳолда, бойкотни олиб ташлаш учун зарурий шартлардан бўлган фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, жумладан, мустақил ННТларни рўйхатдан ўтказиш ва ишчиларнинг мустақил ташкилоти учун имкониятлар яратиш борасида орда қолинаётганини билдирган.

Шу билан бирга «Cotton Campaign» мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида Ўзбекистон ҳукумати билан конструктив ҳамкорлик давом эттирилишини маълум қилган.

Демак, мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича ҳали кўп иш

қилиниши керак. Хусусан, айрим мансабдорларнинг бюджет ташкилотлари ходимларини «хашар» ниқоби остида мажбурий меҳнатга жалб қилишининг олдини олиш зарур. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-қарорига кўра, умумхалқ ҳашари фақатгина Ўзбекистон Президентининг тегишли ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлгандагина ўтказилади. Шу билан бирга, ҳашарлар доирасида барча турдаги жамоат ишлари, шу жумладан қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, мод-



«Cotton Campaign» меҳнат ва ҳуқуқ ҳимояси билан шуғullanувчи, инвестор ва бизнес ташкилотларининг халқаро коалицияси бўлиб, мақсади пахта етиштиришда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслиқдир.

дий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишларида аҳолининг ихтиёрий иштироки этишини ташкил этиши белгиланган.


Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ходимларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда баргараф этиш бўйича назоратни кучайтириш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон касабаяушмалари федерацияси кенгаши эса мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақида прокуратура органларига ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинулмаларига зудлик билан маълум қилиши лозим.


**Ўткир НОМОЗБОЕВ,**  
Судьялар олий кенгаши  
этачки инспектори





# МАЖБУРИЙ МЕХНАТ – БИРОР-БИР ЖАЗОНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ИШ БАЖАРИШГА МАЖБУРЛАШДИР.

**ЎҚУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН ТАШКИЛОТ РАЎБАРЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЙИДАГИЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВАЗИФАСИ ЮКЛАНГАН:**


 туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ишларига


 мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига


 металл чиқиндилари ва макулатура йиғишга

 бошқа турдаги мавсумий ишларга





**ҲАШАРЛАР ҚЎЙИДАГИ ШАРТЛАРГА АСОСАН ФАҚАТ ИХТИЁРИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛАДИ:**

 умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида фақат президент ёки ҳукуматнинг тегишли ҳужжати бўлганида





 тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда

 ҳашарлар доирасида қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга йўл қўйилмаган ҳолда


**Ў** Қуйидаги ҳудудларда ихтиёрий ташаббус билан ҳам ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланади:


-  автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тизими бўлган кўчалар;
-  сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар;
-  қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари;
-  хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши мумкин бўлган бошқа жойлар.


**Ў** Қуйидаги ҳолларда бажариладиган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди:

-  ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
-  фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
-  суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
-  қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда (масалан, маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларда фойдаланилади).

**Ў** МЕХНАТГА МАЪМУРИЙ ТАРЗДА МАЖБУРЛАШ:


 **2 230 000** сўмдан **6 690 000** сўмгача


ТАКРОРАН СОДИР ЭТИЛГАНДА 

 **6 690 000** сўмдан **22 300 000** сўмгача

**Ў** ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАНДА

 **6 690 000** сўмдан **11 150 000** сўмгача

ТАКРОРАН СОДИР ЭТИЛГАНДА 

 **11 150 000** сўмдан **22 300 000** сўмгача

миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Ҳар бир давлат иқтисодиётининг юқсалишида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари ўз фаолияти давомида ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида молиялаштириш манбаларига тез-тез мурожаат қилади.



## Стартап лойиҳаларини краудфандинг орқали инвестициялаш

Одатда тижорат банклари кредитининг фоизи юқорилиги ҳамда давлат томонидан субсидия ажратилмаслиги кичик ва ўрта бизнес вакилларининг бошқа инвестиция воситаларини қидиришига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатда улар молиялаштиришнинг муқобил манбаларига (ASF – Alternative sources of finance) мурожаат қилади<sup>1</sup>. Муқобил молиялаштириш манбаларининг бир тури сифатида сўнгги 10-15 йил давомида краудфандинг феномени қўллаб келинмоқда.

Краудфандинг атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, crowd – халқ, funding – молиялаштириш деган маънони англатади. Бунда инсон-

ларнинг интернет орқали бошқа шахс ё компаниялар лойиҳаларини шахсий маблағи, бошқа кўринишдаги ресурси орқали молиялаштириши тушунилади. Россиянинг энг йирик краудфандинг («Boomstarter») платформаси асосчиси Евгений Гаврилиннинг таърифиغا кўра, «краудфандинг – халқ томонидан молиялаштириш жараёни бўлиб, бунда инсонлар пул тўлаб, эвазига бирор-бир нарса олади. Яъни инсонлар ўзларини қизиқтирган ғоя муаллифларига маблағ ажратади. Ғоя муаллифи эса, ўз навбатида, уларга маҳсулот ёки хизмат таклиф этади»<sup>2</sup>. Қисқача қилиб айтганда, одамлар мавжуд бўлмаган маҳсулот ёки хизматни сотиб олади.

Краудфандинг фақат интернет майдони ёки платформаси ёрдамида амалга оширилиши билан стартапларни молиялаштиришнинг бошқа методларидан фарқ қилади. Шу тариқа, бизнинг назаримизда, краудфандинг капитал жалб қилишга муҳтож тадбиркор, уни молиялаштирувчи инвестор ва воситачи – краудфандинг платформаси ўртасидаги инновацион ва стартап лойиҳаларини танлашдаги ҳамкорликдир.

Стартап компания фаолиятини краудфандинг орқали молиялаштиришда мажбуриятни таъминлаш усули сифатида гаровдан фойдаланишга йўл қўйилмайди ҳамда компаниянинг кредит тарихи эътиборга олинмайди. Одат-

<sup>1</sup> Eniola A., Entebang H. SME Firm Performance-Financial Innovation and Challenges. Procedia – Social and Behavioral Sciences, 2015, no. 195, pp. 334-342. URL: <https://doi.org/10.1016/j.sbspro.2015.06.361>.

<sup>2</sup> <http://boomstarter.ru/blog/66>. Қапан: <http://crowdfund.ru/crowdfunding>.



да стартап компанияларининг бошқа молиялаштириш манбаларидан маблағ жалб этиш борасидаги илтимосини айнан юқоридаги икки сабаб туфайли қаноатлантirmаслик ҳолатлари тез-тез учраб туради. Шу боис краудфандинг молиялаштириш механизмларини ама-

лиётга жорий этиш масаласини тадқиқ этиш долзаб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, краудфандинг платформаси асосидаги молиялаштириш илк бор АҚШда пайдо бўлиб, бу атамани фанга Жефф Ҳай (Jeff Howe) киритган<sup>3</sup>.

**Дунё миқёсида краудфандинг инвесторларни мукофотлаш нуқтаи назаридан пулли ва пулсиз турларга бўлинади. Масалан, стартап лойиҳаларини ёхуд умуман инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг қуйидаги моделлари мавжуд<sup>4</sup>:**

**1. Ҳомийлик (Donation-based crowdfunding).** Ушбу краудфандинг гуруҳидаги иштирокчилар маблағни хайр-эҳсонга йўналтиради. Дунёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бундай кўринишдаги молиялаштириш кенг тарқалган (камбағал оилаларга беғараз ёрдам ва б.). Бунда инвесторлар учун мукофот реклама ёки маркетинг хусусиятига эга бўлган оммавий эътироф кўринишида бўлиши мумкин.

**2. Даствлабки савдо ёки буюртма.** Бунда муайян маҳсулот ишлаб чиқарилишига пул тиккан инвестор бунинг учун шу маҳсулотнинг дастлабки турини имтиёзли нархда сотиб олиш имкониятини қўлга киритади. Бу ўринда албатта олди-сотди шартномасининг қоидалари қўлланиши табиий.

**3. Мукофот (Reward-based crowdfunding).** Лойиҳа ёки маҳсулот ишлаб чиқаришга пул тиккан инвестор фактик товар ёки хизмат кўрсатиш кўринишидаги мукофотга эга бўлмасдан, фақат рамзий мукофотни қўлга киритади<sup>5</sup>.

**4. Кредитлаш.** Инвестор лойиҳа якунига қадар фойдаланилган маблағ учун муайян фоиз ёки комиссия ҳақини олади. Мазкур вазиятда кредит шартномасининг қоидалари қўлланади.

**5. Акциядорлик краудфандинги (Equity crowdfunding).** Ушбу турдаги краудфандинг адабиётларда краудинвестинг деб юритилиб, корхонага қарашли қимматли қоғозлар очик савдога (IPO – Initial public offer) қўйилади, оқибатда инвесторга мукофот тариқасида корхонага қарашли қимматли қоғоз (одатда акция), мулк, дивиденд ёки корхонанинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи кабилар тақдим этилиши мумкин<sup>6</sup>.

**6. Роялти краудфандинг (Royalty-based crowdfunding).** Инвестор стартап лойиҳалари ёки инновацион лойиҳалардан тушадиган фойдадан ёки даромаддан улуш кўринишидаги мукофот билан тақдирланади.

<sup>3</sup> Кулишова А., Крюкова А. Роль краудфандинга в инновационной деятельности // Academy 2016, № 1(4).

<sup>4</sup> Gedda D., Nilsson B., Sathén Z. et al. Crowdfunding: Finding the Optimal Platform for Funders and Entrepreneurs. Technology Innovation Management Review, 2016, vol. 6, iss. 3, pp. 31–40.

<sup>5</sup> Bouncken R., Komorek M., Kraus S. Crowdfunding: The Current State of Research. International Business & Economics Research Journal, 2015, vol. 14, iss. 3, pp. 407–416. URL: <https://doi.org/10.19030/iber.v14i3.9206>

<sup>6</sup> Griffin Z. Crowdfunding: Fleecing the American Masses. Journal of Law, Technology & the Internet, 2013, vol. 4, iss. 2, pp. 375–410. URL: <https://scholarlycommons.law.case.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1004&context=jolti>





Таъкидланганидек, краудфандинг фақат интернет платформалари асосида амалга оширилади. АКШнинг «Kikstarter» платфoмаси жаҳондаги энг йирик краудфандинг майдончаси сифатида танилган. У асосан кино, технологик буюмлар, ўйинлар, озиқ-овқатлар, мусиқа, дастурий воситалар ва бошқа лойиҳаларни сайтда эълон қилиш ҳамда халқ, гуруҳлар томонидан молиялаштириш билан шуғулланади. «Kikstarter» платформасида муаллифлар тақдим этаётган лойиҳаларни сайтга жойлаштиришда айрим чекловлар борлиги билан бошқа платформалардан ажралиб туради. Масалан, сайтда эълон қилинган лойиҳа 60 кун (дам олиш кунларисиз) ичида етарли миқдордаги маблағни тўплай олмаса, муаллиф тўпланган пулни (агар тўпланган бўлса) тўлиқ қайтаришга мажбур. Краудфандинг платформаси ҳар бир лойиҳа учун йиғилган маблағнинг 5 фоизини ўзига хизмат ҳақи сифатида олиб қолади.

Европа мамлакатларидаги краудфандинг майдончалари ҳам анча ривожланган. Хусусан, Буюк Британияда 2017 йилда «Crowdcube», «Seedrs» ва «Syndicate Room» каби краудфандинг платформалари орқали компанияларга 217,7 млн. фунт стерлинг инвестиция йўналтирилган<sup>7</sup>. Австрияда 2015 йилда олти краудфандинг платформаси 8,1 млн. евро пул тўплаган. 2017 йилда 20 та платформа фаолият юритган<sup>8</sup>. Муаллиф ғоя ёки лойиҳасини платформага жойлайди. Исталган шахс ихтиёрий равишда интернет орқали рўйхатдан ўтиб, ушбу лойиҳани молиялаштириши мумкин.

Бугунги кунга келиб дунё миқёсида стартап лойиҳаларини краудфандинг орқали молиялаштириш иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллади. Statista.com интернет порталининг ахборотига кўра, краудфандинг платформаси ёрдамида молиялаштирилган транзакциялар қиймати 2019 йилда 6 млрд. 923 млн. АКШ долларига тенг бўлган.

<sup>7</sup> Сомервелл. М. Топ-10 краудфондинговых платформ для бизнеса в 2018 году. URL: <https://www.growthbusiness.co.uk>

<sup>8</sup> Халқ томонидан молиялаштириш – краудфандинг қандай афзалликларга эга? URL: <https://www.kun.uz/news/2018/10/04/Қапанчhttps://www.plusworld.ru/daily/tehnologii/kraudfundding-trend-globalnogomassshtaba>

Айни пайтда жаҳондаги кўп мамлакатлар краудфандинг орқали молиялаштиришни бозорни молиялаштириш тизими сифатида шакллантириш учун қонун нормаларини такомиллаштирмоқда. Чунончи, 2012 йили АҚШда кичик ва ўрта бизнесни (бунда асосан

стартап компаниялари назарда тутилмоқда) краудфандинг орқали молиялаштириш механизмларини ўзида акс эттирадиган «Бизнинг бизнес стартаплар тўғрисида»ги қонун (Jumpstart Our Business Startups Act – JOBS act) қабул қилинди<sup>9</sup>.

### **JOBS қонуни билан стартаплар фаолиятини муқобил молиялаштиришга оид қўйидаги нормалар белгилаб берилди.**

**I.** Қонун акциядорлик краудфандинг платформаси ва аккредитациядан ўтмаган инвесторлар учун татбиқ этилади.

**II.** Қонунга кўра, краудфандинг ёрдамида инвестиция сўровчи стартап компаниялари АҚШ Қимматли қоғозлар комиссияси (US Securities and Exchange Commission) ва рўйхатдаги брокерлар томонидан тасдиқланган платформалар орқали операцияларни амалга оширишга ҳақли.

**III.** Ҳар бир краудфандинг учун қўйилган лойиҳа 12 ой мобайнида сони чекланмаган инвесторлардан 1 млн. АҚШ долларигача бўлган суммани йиғиши мумкин. Лекин лойиҳа доирасида инвесторлар капитали суммасига нисбатан тақиқлар мавжуд. Чунончи, инвесторнинг йиллик даромади 100 минг доллардан кам бўлса, унинг 5 фоизи миқдорида, 100 минг доллардан кўп бўлса, унинг 10 фоизи миқдорида инвестиция киритиши белгиланган<sup>10</sup>.

Қолаверса, Буюк Британия «Эрта босқичдаги корхонани инвестициялаш тартиби тўғрисида»ги (Seed Enterprise Investment Scheme), Франция «Бизнес лойиҳаларини инвестициялаш тартиби тўғрисида»ги, Испания «Бизнесни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонун орқали стартап компанияларини, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришнинг янги механизмларини ўз иктисодиётига имплементация қилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонида инновацион ғоялар, стартаплар, венчур лойиҳаларни молиялаштириш, илимий-техник ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш, ин-

новацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш борасидаги асосий йўналишлар қайд этилган бўлса, ҳукуматнинг 2019 йил 17 майдаги 414-қарори билан тасдиқланган Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисидаги низом мазкур компанияларнинг мақсад ва вазифалари, функциялари, мезонлари, фаолият турини, шу жумладан, венчур молиялаштиришда инвестиция ва бошқарув компаниялари мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

2020 йил 9 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 133-қарори қабул қилинди. Унга илова тариқасида Илмий-тадқиқот

<sup>9</sup> Қаранг: <https://www.sec.gov/spotlight/jobs-act.shtml>

<sup>10</sup> Gilinsky D. Regulation of Crowdfunding in the UK, US and Israel – A Comparative Review. London, 2016, November 9.



ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги, Стартап лойиҳаларини танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Стартап лойиҳалар танлови Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан


эълон қилинади. Танловда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоровий мансублигидан қатъи назар барча илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, инновацион марказлар, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Стартап лойиҳаларини танлаб олиш учун буюртмачи томонидан илмий-техник экспертиза ўтказилади. Экспертиза қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:**

**биринчи босқич** – тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мослиги юзасидан ўтказиладиган техник экспертиза;

**иккинчи босқич** – техник экспертизадан ўтган стартап лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий экспертизаси;

**учинчи босқич** – биринчи ва иккинчи босқичлардан ўтган стартап лойиҳалари илмий-техник кенгашнинг мажлисида кўриб чиқилади ва баҳоланади.



Илмий-техник кенгаш эксперт хулосалари ва очиқ муҳокама натижалари асосида лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик юзасидан қарор қабул қилади. Лойиҳа коллегиял орган қарори ва буюртмачининг буйруғига мувофиқ молиялаштирилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, краудфандинг платформаси стартап лойиҳалари ва инновацион маҳсулотларни молиялаштиришнинг

қулай ва самарали механизмидир. Ушбу механизмни Ўзбекистонда жорий этиш инновацион иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш имконини беради. Мамлакатимизда стартап тизимини жонлантириш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсадида «Инвестиция жалб қилишнинг муқобил усуллари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш керак.

**Акбар ТОЖИБОЕВ,**  
ТДЮУ ўқитувчиси



# Кадастр тизими: истиқбол, муаммолар ва ечим

XXI асрнинг ахборот асри дея тан олингани маълумотларнинг давлат ва фуқаролар ҳаётида нечоғлик аҳамиятга эга эканидан далолат беради. Шу жумладан, давлатнинг табиий ресурслари тўғрисидаги маълумотлар иқтисодий ислохотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг маълумот олиш йўлидаги конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ўринга эга. Мазкур маълумотларнинг шакллантирилиши ҳамда улардан фойдаланиш тартиби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг асосий қисми сифатида эътироф этилиб, кадастр деб номланади.



Кадастр тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунида берилган бўлиб, унга мувофиқ давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда расмий равишда 20 дан ортиқ давлат кадастрлари мавжуд ва уларнинг норматив-ҳуқуқий базаси шаклланди. Шу билан бирга қонунчиликда янги кадастрлар ташкил этилиши белгиланган бўлиб, улар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Жумладан, биохилмаҳиллик кадастри, кишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар давлат кадастри ва ҳоказо.

**Ушбу кадастрлар орасида табиий ресурсларга оид давлат кадастрлари ҳам мавжуд бўлса-да, қонунчиликда алоҳида тарзда ҳали махсус ғуруҳга ажратилмаган.** Баъзи олимлар томонидан «давлат экологик кадастри» тушунчаси қўлланиб, унга табиий ресурслардан ташқари (ер, фойдали қазилмалар, сувлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар) табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, ишлаб чиқариш ва истъмоладиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойларига оид юритиладиган давлат кадастрлари киритилган<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, давлатимизда табиий ресурслар кадастрларини юритиш билан боғлиқ муаммолар ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Охириги йилларда қонунчиликда асосан ер кадастри ва ер қатъи кадастрларини такомиллаштиришга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, лекин бевосита табиий ресурслар кадастрини юритиш соҳасида чуқур илмий тадқиқотлар жуда ҳам суст кетмоқда. Бунинг исботи сифатида ҳозирги кун-

га қадар мазкур соҳа бўйича фақатгина санокли илмий тадқиқот мавжудлигини келтиришимиз мумкин<sup>2</sup>.

Миллий экология ҳуқуқи фанида кадастрга, шужумладан табиий ресурслар кадастрига фақатгина атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувининг бир элементи сифатида қараб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида уни анъанавий маъмурий рамакаларга солиш, молиявий масалаларни марказлашган ҳолда ҳал қилиш, мазкур фаолиятни ривожлантиришда моддий манфаатдорлик ва рақобат йўқлигига олиб келади.

Лекин ҳозирги шароитда кадастрга, шу жумладан табиий ресурслар кадастрига бўлган анъанавий муносабатимизни ўзгартириш вақти келди деб ўйлаймиз. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ҳам 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилиниши мўлжалланганига тўхталиб, қатор йўналишлар қатори кадастр соҳаси ҳам рақамлаштирилишини таъкидлади<sup>3</sup>. Бу жараёнда асосий эътибор ИТ-технологияларга қаратилади. Шу билан бирга хорижий давлатларнинг рақамлаштириш борасидаги тажрибаси таҳлил этилганда ушбу жараён асосан хусусий ташкилотлар ва давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган тузилмалар томонидан амалга оширилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган бир қатор вазифаларни келтириш мумкин. Булар – жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизми ва услубларини жорий этишдир.

<sup>1</sup> М.Усмонов Экология ҳуқуқи. Дарслик., Т. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, 2019, 193-б.

<sup>2</sup> Р.Тошбоева. Правовое регулирование ведения природных кадастров. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссерт. автореферати, Т., 2009, 25-б. О.Турсунов. Проблемы правового обеспечения государственного земельного кадастра. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссерт. автореферати, Т., 2009, 25-б.

<sup>3</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати, 2020 йил 24 январь. [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_асосiy\\_tezislar](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_асосiy_tezislar).



*Ҳозирги кунда кадастр соҳасидаги қатъий ваколатлар, бошқарув жараёнидаги ишларни аввалдан режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш даражаси уларнинг фаолиятини самарали амалга ошириш ва жараёни тезкор кузатиб бориш имконини бермайди.*

Кадастр фаолиятини молиялаштиришда давлат бюджетидан ташқари, бошқа ноанъанавий манбаларни жалб этилиши, хусусан, *yergeportal.uz* автоматлаштирилган ягона тизимини яратиш мақсадида Корея Республикаси халқаро «КОИСА» жамғармасининг гранти доирасида инвестициявий лойиҳа ишлаб чиқилиши ҳозирги кунда кадастр соҳаси жаҳон стандартларига мослашаётганидан дарак беради<sup>4</sup>.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, рақамли иқтисодиётга ўтаётган бир вақтда табиий ресурслар кадастри фаолиятини давлат бошқарув функцияси сифатида эмас, балки давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга ошириладиган давлат хизмати сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ, Чунки кадастрнинг асосий вазифаси манфаатдор субъектларга тегишли объект юзасидан тўлақонли, объектив ва ишонарли маълумотни тақдим этишдир.

Кадастр фаолиятини муайян хизмат кўрсатиш (маълумотни йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш, янгилаш, сақлаш) сифатида эътироф этиш учун авваламбор унинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш лозим.

Ўзбекистонда табиий ресурслар кадастри ва умуман кадастр фаолияти соҳасидаги қонунчиликнинг ҳозирги ривожланишига назар ташласак, муайян тизим йўқлиги кўзга ташланади.

Жумладан, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунда давлатда мавжуд барча кадастрлар бир тизимга солинган бўлса-да, унда кадастрлар хусусиятларига қўра ички бўлиниш белгиланма-

ган. Бу эса ўз навбатида «яшил иқтисодиёт»га ўтаётган бир вақтда иқтисодиётимизнинг ўзигини ташкил этувчи табиий ресурсларнинг аҳамиятини иккинчи даражага тушириб қўймоқда.

Шу билан бирга, миллий ва хорижий юридик адабиётларда «табиий ресурслар кадастри» тушунчаси эътироф этилган бўлса-да, қонунчилигимизда ҳанузгача ушбу тушунча юридик жиҳатдан белгиланмаган ҳамда мазкур кадастрларнинг ҳуқуқий ҳолати қонун даражасида тартибга солинмаган (ер кадастрдан ташқари).

2019 йил 9 январда президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган давлат хизматларини кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган селектор йиғилишида қатор муаммолар, хусусан, экология соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича электрон база йўқлиги айtilган эди. Мазкур бўшлиқни тўлдириш – манфаатдор субъектларга кадастр маълумотларини давлат хизматларини кўрсатувчи тузилмалар орқали тақдим этишдир. Бундай жараён ушбу соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янги bosқичга чиқаришга, маълумотларни тақдим этишда қулайлик яратишга ва жараёни қисқа муддатларда амалга оширишга замин яратади.

Шунингдек, ер ресурсларига оид давлат кадастрдан ташқари бошқа табиий ресурсларга оид кадастрларнинг ҳуқуқий мақоми фақатгина қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши кадастр соҳасида муайян юридик нотенгликни келтириб чиқаради.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони 2019 йил 17 июнь, ПФ-5742-сон <https://lex.uz/ru/docs/4378526>.



Табиий ресурслар кадастри соҳасида шунга ўхшаш муаммоларнинг мавжудлиги уларни юритиш механизмида қатор юридик тавтологиялар ҳамда ҳуқуқий нормаларни қўллашда коллизиялар учрашига олиб келмоқда, табиий ресурслар тўғрисидаги маълумотлар шаклланиши ҳамда уларни тақдим этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Масалан:**

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомига кўра давлат ер кадастри бўйича – «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси:



конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича – Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;



давлат сув кадастри бўйича – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (табиий сув манбалари), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари), Сув хўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);



давлат ўрмон кадастри бўйича – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси;



ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;



ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;



муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ваколатли орган деб белгиланган.

*Табиий ресурслар кадастрларини юритиш бўйича тақсимот ўрганилганда, баъзи табиий ресурслар кадастри бир вақтнинг ўзида бир нечта органлар томонидан юритилаётгани, баъзи ҳолларда эса битта давлат органи бир нечта табиий ресурслар кадастрини юритиб келаётгани маълум бўлди.*

**Жумладан:**

*Давлат сув кадастри бир вақтнинг ўзида учта идора томонидан юритилади, яъни давлат сув кадастри уч турга бўлинган бўлиб, табиий сув манбалари бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, ер ости сувлари бўйича Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати бўйича Сув хўжалиги вазирлиги ваколатли идора этиб белгиланган.*

*Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бир вақтнинг ўзида учта (!!!) давлат табиий ресурслари кадастрини юритади. Буларга ўсимлик дунёси объектлари, ҳайвонот дунёси ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўйича давлат кадастрлари киради.*

**Фикримизча, бундай юридик тавтологияларни бартараф этишнинг йўли – барча турдаги кадастрларни, шу жумладан табиий ресурслар кадастрларини юритиш вазифаси ягона давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритаётган маъсул идорага юклатилишидир, бу эса ўз навбатида Маъмурий ислохотлар тўғрисидаги концепцияда белгиланган бошқарув органларининг фаолиятини соддалаштириш тамойилига тўлиқ жавоб беради.**

Бундан ташқари, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»<sup>5</sup> ги мувофиқ ер кадастрига оид маълумотларни шакллантиришда белгиланган мезонлар кенгайтирилиб, маъсуллар сони кўпайтирилди.

**Таклиф-ечим:**

*Назаримизда, кадастр фаолиятининг бундай «майдаланиши» уни юритувчи қўшимча маъсуллар сонини сунъий равишда оширишга олиб келади, кадастр маълумотининг шаклланиши ва сифатига салбий таъсир этади ҳамда мазкур кадастрни юритиш учун маъсул асосий ташкилот маъсулиятини сусайтиради.*

**Муаммо**

Катта муаммолардан яна бири шаклланган кадастр маълумотларини манфаатдор субъектларга тақдим этиш тартиби ҳамма учун мажбурий юридик кучга эга бўлган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида тартибга солинмаганидир. Амалдаги қонунчиликка кўра, табиий ресурслар кадастри соҳасида ҳозирги кунда фақатгина ер ресурсларига оид маълумотларни олиш тартиби идоровий норматив-ҳужжат (!!!) билан тартибга солинган. Унга кўра мурожаатчи (жисмоний ва юридик шахс) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг

<sup>5</sup> Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисида» ги қарори <https://lex.uz/docs/4427819#4429625>.



худудий бўлинмаларига мурожаат этиб, ер ресурслари ҳақидаги маълумотларни олиши мумкин. Уларнинг мурожаатлари беш кундан ўттиз кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади ҳамда мурожаатчига тақдим этилади. Мурожаатнинг жавоби электрон тарзда электрон почта орқали, оғзаки ёки ёзма равишда почта орқали мурожаатчига билдирилиши мумкин. **Аммо бошқа табиий ресурсларга оид маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳали ҳам ишлаб чиқилмаган.**

Конституциямизда белгиланган ахборот олиш ҳуқуқини тўлақонли амалга оширишга тўсиқ сифатида баҳоланиши мумкин. Шў боис мазкур соҳани давлат маъмурий бошқаруви соҳасидан ажратиб, тегишли маълумотларни шакллантиришга ва тақдим этишга қаратилган алоҳида хизмат соҳаси сифатида белгилаш, уни рақамлаштириш жараёнларини инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали жадаллаштириш, манфаатдорларга табиий ресурсларга оид ахборотни олишда қулайликлар яратишнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш жуда зарурдир.



**Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни беришни лозим топдик:**

1. Рақамли иқтисодиёт талабларидан ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси кадастр хизматини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тузилма Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилиши кадастр маълумотларига нисбатан давлат мулки ҳуқуқининг мустаҳкамланиши ва муҳофаза этилишини англатади.
2. «Табиий ресурслар кадастрлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бу соҳада ташланадиган биринчи қадам сифатида қутилмоқда.
3. «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш:

**Давлат хизматлари агентлигининг худудий бўлинмалари орқали** ҳақ эвазига тақдим этилади.

4. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш:

Ер кадастрига доир ахборотлар ерни рўйхатга олиш, ерни ҳисобга олиш ва ер баҳосига оид ахборотлар мажмуини ташкил этади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун мўлжалланган бўлади. Ер кадастрига доир ахборот **Давлат хизматлари агентлигининг худудий бўлинмалари орқали тақдим этилади ҳамда** уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Робия ТОШБОЕВА,**

ТДЮУ Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси  
доцент вазифасини бажарувчи,  
юридик фанлар номзоди

Давлат кадастрларига доир ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда

# Прокуратура органлари фаолиятининг қиёсий таҳлили

Бизга маълумки, дунё мамлакатларининг аксариятида прокуратура органлари ҳокимият органлари тизимида салмоқли ва аҳамиятли ўринга эга. Айрим давлатларда прокурор жиной қиёсий фаолиятни таъқиб қилиб, судда давлат айбловини қўллаб-қувватласа, айрим МДҲ ва Осиё давлатларида қонунлар ижроси юзасидан тўлиқ назоратни амалга оширади.



Шу ўринда, «прокуратура» сўзининг асл тарихий маъноси, пайдо бўлиши ва ривожланишини таҳлил асосида ёритиш мақсадга мувофиқ. Этимологик жиҳатдан «прокуратура» ибораси латинча «procurare» сўзидан олинган бўлиб, «ғамхўрлик қилмоқ» маъноси-ни англатади<sup>1</sup>.

Прокуратура қонунийликни кузатувчи ва жинойят учун таъқиб этувчи махсус институт сифатида XIII-XIV асрларда пайдо бўлган. Ушбу шароитда у Францияда давлат айбловини қўлловчи махсус орган сифати-

да (officiers du roi) шаклланди. Маъмур орган зиммасига қонунийликни кузатиш мажбурияти юклатилган. Прокуратура институти кейинчалик Австрия ва Германияда ҳам тарқалиб, XIX аср бошида Европа минтақасида ташкил қилишнинг ҳукмрон шаклига айланган.

Россияда прокуратура мансабдор шахслар ҳаракатларининг қонунийлигини кузатиш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш органи сифатида 1722 йилда подшо Пётр I фармони билан юзага келади. Ушбу ҳужжатда прокуратура дав-

латни ва барча фуқароларни ҳимоя қилиши кераклиги таъкидланган.

Прокуратуранинг ривожланиш тарихи ўтмишда у давлат органи сифатида давлат белгилаган функциялар доирасида барчани, хусусан, фуқароларни ялпи назорат қилишдан тортиб, хусусий ва оммавий манфаатларни ҳимоя қилишгача бўлган барча вазифаларни бажарганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон прокуратура органлари ривожланиш тарихини эса шартли равишда тўрт босқичга ажратиш мумкин.



## **Биринчиси – XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришигача бўлган давр.**

Хусусан, 1887 йил адлия вазирининг буйруғига кўра Россия адлия вазирига маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги Марғилон, Самарқанд, Верний вилоят судлари қошида прокуратура-

лар очилди. Рус подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-худудий тамойилга асосан тузилган эди. Барча прокурорлар подшотомонидан лавозимга тайинланар ва лавозимдан озод қи-

линар эдилар. Туркистондаги прокуратура рус подшолиги прокуратурасининг асосий қисми сифатида унинг қонунларини татбиқ қилиш ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширарди.

## **Иккинчиси – 1917–1924 йиллар (прокуратура тизими шаклланган давр).**

1917 йилда Судлар тўғрисидаги 1-декрет билан прокуратура тугатилди. Унинг фаолияти тўрт йилдан кўпроқ вақт қайта тикланмади. Тарихий тажриба қонунчилик устидан назоратни амалга оширувчи мустақил орган – прокуратуранинг ташкил этиш зарурати ҳақидаги фикрга етаклаб келди. Ҳар бир тармоқни бошқаришга мўлжалланган назорат қонунийликни таъмин-

лаши учун етарли кафолатларни яратмас эди, чунки у идоравий ташкилот эди. Уезд ижроия кўмиталари, вилоят ижроия кўмиталарининг адлия бўлимларига юклатилган қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ҳам унчалик даражада самарали эмас эди. Давлат олдида қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан назорат қилишни такомиллаштириш вазифаси

пайдо бўлди, сабаби шу кунгача амал қилган қонунийликни таъминлаш тизими ўзини оқламади, у қонунийлик учун олиб борилаётган мақсадли курашни таъминлаш олмади. Қонунийликни амалга ошириб, марказий ҳокимият номидан ҳаракат қилувчи, ягона услубга эга бўлган ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмайдиган махсус органга эҳтиёж туғилди.

## **Учинчиси – Ўзбекистон прокуратурасининг собиқ СССР таркибида ривожланиш даври (1924–1991 йиллар).**

Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ташкил қилиниши ҳақидаги декрет лойиҳаси устида ишлаш 1922 йил бошида авж палласига чиқди. 1922 йил 9 майда Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий ижроия кўмитаси 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги низомни тасдиқладилар. 1922 йилнинг июнь ойида Туркистон АССР-

да прокуратура ҳам марказда, ҳам жойларда ташкил этилди. Прокуратура органларига умумий назоратдан ташқари, ҳар қандай мансабдор шахсга нисбатан ўз ташаббусига кўра ҳам, ариза ва шикоятларга кўра ҳам суд таъқибини кўзғатиш ва ушлаш ваколати берилди<sup>2</sup>.

Прокурор назорати 1980–1990 йиллардаги авторитар режим йўлбошчиси, маъмурий буйруқбозлик тизимининг бир


қисми бўлиб хизмат қилди. Прокуратурадан куч ишлатиш чораларини қўллаш, зарур бўлган жойларда иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий дастаклар ишлаши лозим бўлган жойларда фойдаланилди. Шу тажриба кўпгина идоралар, совет ва назорат органлари қонунийлик ва интизомга риоя қилиниши устидан ҳақиқий назоратни таъминламаслигига олиб келди.

<sup>1</sup>Modern legal systems cyclopedia. Baffal, NY, 1994.

<sup>2</sup>Касимова М. История создания и развития прокуратуры в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. – 1985. – №5. – С. 19–22. Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Т., 1991. – 107-б.



**Ниҳоят, тўрттинчи давр Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган вақтдан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган даврни қамраб олади<sup>3</sup>.**



Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига

эга бўлиб, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда Ўзбе-

кистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимга бирлашди, қуйи турувчи прокурорлар маҳаллий ва бошқа давлат органларига бўйсунмаган ҳолда юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсата бошлади.

Натижада заруратга қараб прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий статуси ва давлат-ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустаҳкамланди.

**Ҳозирги вақтда прокуратуранинг давлат органлари тизимида туганган ўрнига кўра дунё мамлакатларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:**

- прокуратура адлия органи таркибида бўлган АҚШ, Франция, Бельгия, Нидерландия, Дания, Польша, Руминия, Исроил, Япония, Эстония ва Сурия каби давлатлар;
- прокуратура бутунлай суд тизими таркибида бўлган ва судлар қошида ёки суд ҳокимияти доирасида маъмурий мустақилликка эга бўлган Колумбия, Болгария, Испания каби давлатлар;
- прокуратура мустақил орган сифатида ажратилган ва давлат бошлиғи ёки парламент олдида ҳисобдор бўлган Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба, Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси сингари мамлакатлар;
- прокуратура ёки унга бевосита ўхшаш органи бўлмаган давлатлар, хусусан, Англия, Ҳиндистон кабилар.

<sup>3</sup> Ибрагимов З. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т., 2000 – С.36–101.



Дунёда энг ривожланган давлатлардан бири бўлган Хитой Халқ Республикасининг прокуратура органлари вазифа ва фаолият йўналишлари бўйича миллий прокуратура органларига ўхшашдир. Хусусан, ХХР конституциясининг 129-моддасига мувофиқ халқ прокуратураси қонунийликка риоя қилинишини назорат қиладиган давлат органи ҳисобланади, прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида назоратни мустақил равишда амалга оширадилар. Хитой халқ прокуратураси ягона марказлашган тизим бўлиб, Олий халқ прокуратураси прокурорлик назоратининг олий органи ҳисобланади. Олий халқ прокуратураси маҳаллий халқ прокуратуралари ва махсус халқ прокуратуралари фаолиятига раҳбарлик қилади. Юқори турувчи прокурорлар буйруқлари қуйи турувчи прокурорлар учун мажбурийдир.



АҚШ, Германия, Австрия, Греция, Италия давлатларида прокуратура органларида марказлашганлик ва ягона бўйсунув мавжуд эмас.

Амалиётга эътибор қаратсак, прокуратура органларининг марказлашганлик ва ягона бўйсунуш тартибида фаолият

юретиши устувор эканлигига гувоҳ бўламиз, зеро, жиноятчиликка қарши курашиш ва қонун устуворлигини таъминлашда ягона марказлашган тизим бўлиши – мустақил прокуратура тизимлари амал қилишидан яхшироқ. Мисол учун, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон прокуратура органлари ҳозирга қадар ягона марказга бўйсунуш тартибида ишлаб, жиноятларнинг самарали фож этилишига хизмат қилмоқда, шунингдек қонун устуворлиги таъминланмоқда.

Бироқ, ягона бўйсунувга асосланган прокуратура тизими ҳам камчиликлардан холи эмас. Хусусан, прокуратура органларидаги айрим юқори лавозимдаги мансабдорларнинг уюшган жиноятчилик вакиллари билан тил бириктириши содир этилган жиноятларнинг очилишига тўсқинлик қилиши ёхуд умуман очилмаслигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, очилган жиноят ишининг



етарли асосларсиз ёпилиши ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Аммо бундай ҳолатлар амалиётда кам учрагани сабабли ягона марказга бўйсунуш тартибида ишловчи прокуратура тарқоқ ҳолдаги (масалан АҚШдаги) атторней хизмати-дан яхшироқ.

Атторней хизматининг ҳеч кимга ҳисобдор эмаслиги бу тизимнинг салбий жиҳатларидан бири бўлиб, қонунийликда анархияга олиб келиш эҳтимоли катта. Агар ҳар бир штат ва губерниянинг атторней хизмати ўзи билганича фаолият юритса, фуқаро ёки жабрланувчининг ҳуқуқлари муайян доирадаги шахслар қўлида қолиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, самарасизлиكنи келтириб чиқаради. Тўғри, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи федерал қонунлар мавжуд, лекин ушбу қонунларда уларнинг қайси ҳолатларда қандай фаолият юртиши аниқ кўрсатилмагани бос улар ўзларининг умумий ҳуқуқлари ҳамда «Миранда қондалари» асосида ишлайдилар.

Атторней хизматининг ижобий томони эса ўз иши ва фаолиятига мустақил ёндаша олиши ҳамда масъулиятни ҳис қилишидир. Улар муайян жиноят ишини очишда жуда мус-



тақил ҳаракат қиладилар ва зарурат бўлганида гуруҳларга бирлашиб, турли йўналишлар бўйича жиноятни очишга киришадилар. Натижа эса ёмон бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, агар қонунни назорат қилувчи органда ҳисобдорлик

бўлмаса, у чинакамига қонунни назорат қилувчи орган бўла олмайди. Бу ривожланган давлатларнинг тарихидан олинган тажрибалардир.

Масалан, XVIII асрда француз олимлари томонидан назарий жиҳатдан асослангирилган ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳам ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилишини назарда тутди. Шундай экан, бизнингча, қонунларни назорат қилувчи органлар ҳар доим ҳисобдорлик тартибига риоя қилишлари лозим.



Прокуратура қонунийликни кузатувчи ва жинойат учун таъқиб этувчи махсус институт сифатида XIII-XIV асрларда пайдо бўлган. Ушбу шароитда у Францияда давлат айбловини қўлловчи махсус орган сифатида (*officiers du roi*) шаклланган.

Кўп мамлакатларда прокуратура органларининг асосий вазифаси жинойат таъқиби ва тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда судда давлат айбловини қўллаб-қувватлашдир. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш МДХ давлатларининг аксариятида сақланиб қолган. Шунингдек, Хитой халқ прокуратурасида бу вазифа тўлиқ ва чуқурлаштирилган ҳолда «Прокурорлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ёритилган. Унга асосан прокуратура қонунийлик ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш, давлат номидан айбловни қўллаб-қувватлаш, жинойат иши қўзғатиш

масаласини ҳал қилиш, судлов фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, халқ судларининг жинойат ишлари бўйича чиқарган қарорлари ижросини назорат қилиш, шахснинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ўтказилишига санкция (рухсат) бериш, халқ судлари томонидан чиқарилган қарорлар устидан протест бериш каби вазибаларни бажаради.

Олий халқ прокуратураси Умумхитой халқ вакиллари кенгаши ва унинг доимий қў-

митаси олдида, маҳаллий халқ прокуратуралари эса давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва юқори турувчи халқ прокуратуралари олдида ҳисобдордир. Шу жиҳатдан Хитой халқ прокуратураси Ўзбекистон прокуратура органларига ўхшаб кетади.

Шунингдек, миллий қонунчилиги бизнига яқин бўлган МДХ давлатларидан бири Қозоғистон Республикаси бўлиб, ушбу давлат «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида прокуратура органлари фаолиятнинг бешинчи йўналиши сифатида белгиланган давлат ҳуқуқий статистикаси ва махсус ҳисоб (рўйхат)ни

юритиш юзасидан назоратни амалга оширишдаги ўзига хослиги билан эътиборга молик.

Давлат ҳуқуқий статистика фаолиятини назорат қилишдан кўзланган мақсад барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхона ҳамда судлар томонидан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилиш ҳамда статистика қонунчилиги соҳасида назорат ўрнатилган иборат.

Зеро, танқидий ва қиёсий таҳлиллар ҳаққоний амалга оширилсагина давлат келажакка мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиши ва самарали татбиқ этиши мумкин. Бу ўринда ҳаққоний таҳлиллар муваффақият гарови десак адашмаймиз.

Бундан ташқари, ушбу йўналишнинг бошқа афзалликлари ҳам мавжуд. Хусусан, тақдим этиладиган ҳуқуқий статистик маълумотларнинг объективлиги, тўлиқлиги ва етарлигини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг йўналишларидан бири бўлгач, мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган сатистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳолислиги талаблари асосида иш юритиш масъулияти ортади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, глобал ривожланиш даврида прокуратура органлари дунё мамлакатларида давлатчилик қурилишида аниқ шаклга келтирилган ва салмоқли тажрибалар тўплаган.

**Дилрабо ҲАМДАМОВА,**

Бош прокуратура академияси магистратура тингловчиси



# «Адолат – қонун устуворлигида»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси  
билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислохотларини,  
шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот  
воситаларида ёритишни янада  
такмиллаштириш мақсадида  
**«Адолат – қонун устуворлигида»**  
танловини эълон қилади.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материалларига муаллифининг тўлиқ исм-фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар,  
интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

## ТАНЛОВДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



# Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланадиган жазолар

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо тушунчасига таъриф берилмаган. Кодекснинг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади белгиланган, унга кўра «маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади».





Маъмурий жавобгарлик ўзининг юридик маъносига кўра ҳуқуқбузарлик содир этишнинг оқибати ҳисобланади. Қонун фуқароларга маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик, яъни муайян ҳаракатларни қилмаслик ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди. Унинг бажарилишини талаб қилиш давлат органларининг ҳуқуқи ҳи-

собланади. Юридик нормалар бузилганда давлат айбдорларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди.

Жазо жавобгарликнинг муҳим хусусиятидир. Жазо – ҳуқуқбузарга нисбатан ваколатли орган томонидан қўлланадиган, ҳуқуқбузарлик содир этишнинг ҳуқуқий оқибатини ифодалайдиган мажбурлов чораси.

### Маъмурий жавобгарлик қуйидаги хусусиятларга эга:

- давлат мажбурлови бўлиб, фаолиятнинг турли соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади;
- айбдор шахслар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан жавобгарликка тортилади;
- маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;
- энгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа бўлади;
- моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланади, маъмурий жавобгарликка эса моддий зарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин.

Жазони қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазолар МЖТКнинг 23-моддасида белгиланган. Уларнинг оғирлик даражаси 23-модданинг биринчи қисмида берилган кетма-кетлик асосида ҳисобланади.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар орасида энг кўп учрайдигани энгил жароҳат етказиш бўлиб, МЖТКнинг 52-моддаси 1-қисмига кўра эҳтиётсизлик орқасида энгил жароҳат етказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади.

52-модданинг 2-қисмига кўра қасддан энгил жароҳат етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 53-моддасига кўра санитарияга

оид қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдорларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бугун бутун дунёни ларзага солаётган, барчани беҳаловат қилаётган коронавирус пандемияси (Covid-19) яқинда пайдо бўлган коронавирусларнинг сўнгги авлодидир. 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида эпидемия тарқалгунига қадар бу касаллик ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди. Вируснинг бу даражада хавфлилиги, жуда тез тарқалиши ва кўп одамларнинг умрига зомин бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Бугунги кунда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун дунёдаги барча давлатлар турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам карантин жорий этилди. Лекин мазкур тартибқоидаларни бузувчилар ҳам учраб турибди. Давлат уларга қарши қатъий чораларни қўллашга мажбур. Чунки ҳуқуқбузарларнинг лоқайдлиги оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.



Шу боис 2020 йил 26 март кунини Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун билан МЖТКнинг 54-моддасига эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун оғирроқ жазо чорасини назарда тутувчи ўзгартириш киритилди.

Энди карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 54-моддаси 1-қисми).

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан

ўтиши ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқатмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдорларга эса ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 54-моддаси 2-қисми).

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузган шахсга нисбатан 30 суткагача маъмурий жазо тайинлаш билан бирга даволаниш тарзидаги тиббий мажбурият чораси қўлланади. Битта шартини шуки, бу чорани қўллаш учун тиббий асос мавжуд бўлиши керак. Бу чора давлат санитария назорати, ички ишлар ва миллий гвардия органлари томонидан амалга оширилади (МЖТКнинг 29<sup>2</sup>-моддаси).

## Бу борада хоризж тажрибаси қандай?



**Россия** фуқаролари ўзида коронавирус мавжудлиги бўйича шубҳага борса карантин қоидаларига риоя этиши лозим. Бундай ҳолатда давлат органлари мазкур беморга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олишда кўмаклашади.

Карантин режимини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган, унга кўра 100 рублдан 500 рублгача жарима солинади (РФ МЖКнинг 6.3-моддаси).



Карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чоралари кучайтирилганини Осиё давлатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, **Хитой**да карантин назоратидан ўтишдан бош тортган ёки мамлакатга киргач, унга тўсқинлик қилган шахсга 700 АҚШ долларигача жарима ва 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган, карантин қоидаларини бузиш оғир оқибатга олиб келса 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади.



**Жанубий Корея** эса яқинда вирусга қарши чораларни кучайтирди: қоидабузар 8200 АҚШ долларигача жаримага тортилиши, шунингдек, 2 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.



**Италия**да махсус рухсатномасиз кўчага чиқмаслик ва шаҳардан кетмасликка кўрсатма берилган. Мазкур талабни бузганлик учун 3 ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 200 еврогача жарима солиш кўзда тутилган.





**Францияда** 2020 йил 17 мартдан карантин режими эълон қилинган бўлиб, уни бузганлик учун 130 евро жарима, 15 кун ичида такроран бузганлик учун 1500 евро жарима, 30 кун ичида 4 марта бузганлик учун 3700 евро жарима ёки 6 ойга-ча қамоқ жазоси белгиланган.



**Кипрда** 2020 йил март ойи охиридан бошлаб комендантлик соати жорий қилинди. Уйдан кунига фақат бир марта ҳукуматдан СМС хабар олгандан кейин чиқиш мумкин. Ушбу талабни бузганларга 300 евро жарима солинади.

Яна Ўзбекистон қонунчилигига қайта-диган бўлсак, МЖТКнинг 55-моддасида назарда тутилган радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузганлик учун мансабдорларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима тайинланиши мумкин.

МЖТКнинг 56-моддасига кўра гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш уларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнгин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлик учун (бунинг учун махсус ажратилган жойлар ва хоналар бундан мустасно) базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солинади (МЖТКнинг 56<sup>1</sup>-моддаси).

МЖТКнинг 57-моддасида назарда тутилган таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга чалинган беморнинг касаллик юқтирилган манбани, шунингдек ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги ва ОИВ касаллиги/ОИТС юқиши хавфини туғдирган шахсларни яшириши базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга чалингани ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахснинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлаши базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади (МЖТКнинг 58-моддаси).

ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришга олиб келадиган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик учун МЖТКнинг 59-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади.

МЖТКнинг 59<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмига кўра ҳаёти ёки соғлиги учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахснинг шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиши фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдорларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима қўллашга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланигандан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдорларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади (МЖТКнинг 59<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми).

**Икром РАЖАБОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистранти



# Банкир оқланди.

## Декан

Иссиқ жон-да, нимадир бўлиб, «Халқ банки» Миришкор тумани филиалига қарашли «Помуқ» минибанки мудир Раҳимжон Рўзимуродовнинг соғлиғи панд бера бошлади. Шифокорлар унга бир жойда қадалиб ўтириш мумкин эмаслигини, имкон қадар очиқ ҳавода, кўпроқ ҳаракатда бўлиши зарурлигини айтишди. Соғлиқ ҳаммага керак. Начора, Раҳимжон узоқ ўйлаб ўтирмай 2012 йилнинг август ойидан оз эмас, кўп эмас, бир йилга ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқди.



Лекин эндигина қирқдан ошган, неча йиллардан бери эртадан кечгача ишда ўтириб, ҳисоб-китоб, таҳлиллар билан банд бўлган одамнинг даб-дурустдан ҳеч иш қилмай уйда ўтириши осон эмас экан. Шунинг учун у ҳар замонда ишхонасига келиб турди, кимгадир маслаҳат, кимгадир йўл-йўриқ берди. Аммо мана шу ҳаракат кейинчалик унга қўйилган айбловларда «меҳнат таътилида бўлишига қарамасдан» деган жумлалар ишлатилишига сабаб бўлди.

Бу орада унинг йўқлигидан фойдаланибми ёки аввалдан мазахўрак бўлиб келишганми, минибанкнинг ўша пайтдаги бош ҳисобчиси, газначиси ва бошқалар нафақахўрларнинг 81 миллион сўмдан ошиқ пулини ўзлаштириб юборгани аён бўлади. Табиийки, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов бошланади. Бу орада минибанк шохобчаларидан бирининг газначисидан «нафақа пулидан мудир Раҳимжон Рўзимуродовга ҳам ҳар замонда 400-500 минг сўм «узатиб» турганман» қабилида кўрсатма олинади. Қараб-сизки, мудир Раҳимжон Рўзимуродов ҳам терговга жалб этилади.

Раҳимжон Рўзимуродов 2013 йил 18 июнь кун қамоққа олинади ва жиноят ишлари бўйича Косон тумани судининг 2013 йил 25 декабрдаги ҳукми билан мақоламиз қаҳрамони бир гуруҳ бўлиб, давлатнинг жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш, пора олиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилди, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Турган гапки, Раҳимжон Рўзимуродов ҳукмдан норози бўлиб жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судига апелляция шикоятни ёзди. Аммо у билан бирга «ўтирганлар» ва аввалги адвокатлари «шикоят ёзишдан ҳеч қандай наф йўқ, уларни биров ўқимайдиям, «ҳукм тўғри, шикоятингиз асоссиз экан» деган бир парча қоғоз оласиз, холос. Яхшиси, шикоятингизни қайтариб олинг, ҳали замонлар ўзгарса, кейин ёзарсиз» дея маслаҳат беришади. Раҳимжон шу каби гап-сўзларни эшитгач, иккиланиб қолади. Шунинг учун «шикоятимни кўрмасдан қолдириглар» деб вилоят судига қайта ариза ёзди.

Қамоқдан эса роппа-роса 1 йилу 6 ой 4 кун деганда чиқди. Жазо муддатининг ўталмай қолган

қисми иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилди. Раҳимжон уни ҳам тўлиқ ўтади.

Рўпарамда кўзойнагини тез-тез арта туриб, «мана бу ҳужжатлар менинг айбсизлигимни исботлайди, лекин суд буларни инобатга олмади» дея куйиб-пишиб гапираётган, елим халтачаларга солинган қоғозларни бирма-бир кўрсатаётган собиқ банкир турар эди. Сочлари тўкилиб кетган, ёшига нисбатан анча кекса кўринади, соғлиғи ҳам ўзига яраша экани билиниб турибди.

«Бошлиқ бўла туриб шунча пулнинг ўмарилганидан қандай беҳабар қолиш мумкин?» қабилидаги саволимга «Адвокат бўла туриб сиз ҳам ишонмаяпсиз, лекин жиноят ишини ўрганиб чиқсангиз бунақа демаган бўлардингиз» дейди жиғибийрон бўлиб.

Суд архивидан бир-бирдан тўрт жилдли жиноят ишини олиб ўрганар эканман, Раҳимжоннинг нега бунчалик жиғибийрон бўлганини тушуна бошладим. Мени ҳайрон қолдирган нарса – асосий процессуал ҳужжатлар ҳисобланган терговчининг айблов ва қамоққа олиш тўғрисидаги қарорлари, айбланувчи тариқасида Раҳимжон Рўзимуродовни сўроқ қилиш баённомалари ва бошқа ҳужжатларда ушбу жиноят иши бўйича дастлаб тергов олиб борган Миришкор тумани прокуратураси катта терговчисининг ҳатто имзоси йўқ! Саналар ҳам кўрсатилмаган эди.

Кейинчалик суд мажлисига чақирилган собиқ терговчи унинг номидан қўйилган имзоларни ҳам тан олмади. Табиийки, гумон кейинги терговчига тушади, чунки жиноят иши дастлабки терговда фақат терговчи ёки туман прокурорининг қўлида бўлади.

Ундан кейин терговни давом эттирган ушбу туман прокуратурасининг катта терговчиси ҳам «мен бу имзони сохталаштирган эмасман, ким сохталаштирганини ҳам билмайман» деди.

Унда имзоларни ким қалбакилаштирган?

Суд-хатшунослик экспертизаси аввал вило-



ят ички ишлар бошқармаси, кейин Адлия вазирлиги хузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига тайинланди. Афсуски, экспертларнинг хулосасига ҳам тушуниш қийин кечди, уч марта экспертиза тайинласак-да, аниқ жавоб олмадик. Охири «собиқ терговчилар қалбаки қилинган имзога ўхшатиб имзо қилишсин, шунга қараб жавоб берамиз» дейишди.

Собиқ терговчининг имзосини имзо дейиш ҳам қийин, шунчаки ўйин қилиб иккита чизиқни бир-бирига улаб қўйганга ўхшайди. Сўроқ баён-номасига қўйган санасида рақамлар нимани англатишини судда унинг ўзидан сўраб била олдик, холос.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясига ушбу ишни кўриб мазмунан ҳал қилиш учун 1 йилу 3 ой керак бўлди. Суд мажлисига жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси А.Маҳқамовнинг шахсан ўзи раислик қилди. Ахир яна гувоҳларни, тафтишчиларни чақириш, юзлаштириш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, қайта текшириш, синчиклаб ўрганиш зарур эди. Ва ниҳоят, 2019 йил 12 ноябрь кўни оқлов ажрими эълон қилинди: унга кўра Раҳимжон Рўзимуродов тўлиқ оқланиб, айбсиз деб топилди.

Суддан сўнг собиқ минибанк мудир секин олдимга келиб «Нима бўлди ўзи? Қон боснимиз кўтарилиб, ҳеч нарсани эшитмай қолдим» деди. Уни ташқарига, очиқ ҳавога олиб чиқиб, оқланганини айтганимда кўзига ёш олиб, «Илтимос, ёши саксонга қараб кетган отамга телефон қилинг, мана рақами, ўзингиз тушунтиринг, мен тушунтирадиган аҳволда эмасман» деди.

Бобо ҳам ишонқирамай, «Раҳимжон оқландими, ҳазиллашмаяписизларми? Қани ўзи?» деб довдираб қолди. Отахон мени ва адолатли қарор чиқарган судьяларни алқаб узундан-узоқ дуо қилди.

Ҳа, орадан 6 йил ўтгандан сўнг ҳақиқат қарор топди. Бу президентимизнинг мамлакатда қонун

устуворлигини таъминлаш йўлидаги қадамлари астойдил эканининг яна бир исботи эди.

«Хўш, кеч бўлса ҳам адолат қарор топибди, нега сарлавҳага «лекин...»ни қўшиб қўйдингиз?» дейишингиз турган гап.

Энди «лекин...»ни изоҳлаймиз.

Зукко ўқувчида «имзолар сохталаштирилгани, инсон тақдирига беписандлик билан муносабат учун кимдир жавоб бердими ёки йўқми?» деган савол туғилиши табиий.

Йўқ, ҳеч кимга ҳеч қандай чора кўрилмади.

Мен бу масалани кўтарган эдим, Раҳимжон «керак эмас, худога солдим. Улар ҳам ўша вақтдаги вазиятдан келиб чиқиб шундай қилишган бўлса керак-да. Аммо бир йилдан бери Миришкордан Қаршига қатнайман, олти йилдан бери ишсизман. Бугун йўлқира пулини ҳам отамдан қарз олиб келдим. Яхшиси, ишимга тиклаб, кўрган моддий ва маънавий зарарларни ундириб беринг. Безор бўлдим, асабларим тамом бўлди» деди. Қонунга кўра миждознинг талабидан ташқарига чиқишга ҳаққим йўқ.

Масаланинг у айтган қисмини ҳал қилишга киришдим ва «Халқ банки»нинг Қашқадарё вилояти филиали бошлиғига Раҳимжон Рўзимуродовнинг оқлангани ҳақидаги суд ажрimini юбориб, уни аввалги ишига ёки унга тенглаштирилган бошқа лавозимга тиклашини сўрадим. Аммо тез орада «Раҳимжон Рўзимуродовни аввалги ишига тиклай олмаймиз, чунки ушбу лавозим ҳам, минибанк ҳам аллақачон тугаб кетган» деган жавоб олдик.

На илож, судга мурожаат қилишга тўғри келади.

2020 йил 17 февралда фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро суди даъвомизни қаноатлантириб, минибанк мудир лавозимига тенг бошқа иш билан таъминлансин мазмунида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Буни қарангки, банкнинг вилоятдаги раҳбарлари Раҳимжон Рўзимуродовга «ҳозирча қўшни Муборак туманидаги филиалимиздаги кичикроқ лавозимда ишлаб туринг, кейин аввалги лавозимингизга тенг бошқа иш берамиз» деб ваъда қилишибди. Янги вазифада бир ой ишлагач эса «Сиз ишлаб турган лавозим штат қисқариши билан тугатилди, ўзингизга бошқа иш топинг» деб қўлига «паттаси»ни тутқазишибди.



Бу ҳақда аввал менга айтмаган Раҳимжон бўғриқиб телефон қиляпти. «Нега вақтида айтмай, энди телефон қиляпсиз, ахир суд қарорини бажаришни талаб қилиш керак эди» десам, «банк раҳбарларининг ваъдасига ишонган эдим» дейди.

Бизнинг битта йўлимиз қолди: суднинг аввалги лавозимга ишга тиклаш тўғрисидаги қарорини ижро этишни сўраш. Акс ҳолда, суд қарорини бажармагани учун банк раҳбарларини жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

Яқингинада хушxabар эшитдик: Раҳимжонни «Халқ банки» Муборак туман бўлимига ишга қабул қилишибди. Иш ҳақи ҳам ёмонмас экан. «Бўлади, ишлаб турай-чи», – дейди Раҳимжоннинг ўзи.

етказган зарарни тўлаб беришни қонунга кўра давлат ўз зиммасига олади.

Афсуски, судлар Раҳимжон Рўзимуродовнинг бир ярим йил ҳибсда сақланганини эътиборга олишмади. Шундай деймиз, лекин ноҳақ судланган бўлса-да, қамоқда бўлмаган одамларга ҳам шунча товон пули тўланаётганини кўриб-билиб турибмиз. Тўғри, қонунда «агар қамоқда бўлмаган бўлса мана шунча, қамоқда ойлаб-йиллаб сақланган бўлса, мана бунча товон пули тўланиши керак» деган норма йўқ. Чамамда, қонунга бу ҳақда аниқлик киритилса адолатдан бўлар эди.

Иш ҳақи сифатида олинishi керак бўлган, лекин олинмай қолган 39 млн. сўмдан ошиқ пулни



Тогдай сўрасанг, қирдай беради дейишади. Биз маънавий зарарни 200 млн. сўмга баҳолаб, шунча товон пули тўлаб беришни сўраган эдик. Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро суди 20 млн. сўм ундиришга рози бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига арз қилган эдик, улар ҳам туманлараро суд тўғри қарор қабул қилган деган хулосага келди.

Одатда бундай зарар туман молия бўлимларидан ундирилади. Чунки суд, прокуратура, ички ишлар давлат органлари ҳисоблангани учун улар

ҳам жиноят ишлари бўйича Косон тумани суди қисқартириб, 6 миллион сўмини олиб ташлади. Шунча сумма солиқ учун ушланиши керак.

«Майли, ҳарна-да, 50 миллиондан ошибди-ку, ишқилиб, шу пуллари олдимиз?» деб тоқатсизланаётганингизни сезиб турибман.

Йўқ. Мана уч ой бўляпти ҳамки, ҳаммаси ҳозирча қоғозда. Маҳаллий бюджетга қачон пул тушса, кейин тўлаб берилар экан. Хуллас, пулдан дарак йўқ.

**Сафар КАТТАБОЕВ,**

Қарши шаҳридаги «Процессуал нафолат» адвокатлик бюроси адвокати



# Тадбиркорликка оид қонунчилиكنинг тадрижий ривожланиши



Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари кўп. Хусусан, 150 га яқин қонун, Ўзбекистон президентининг 300 дан ортиқ фармон ва қарори, ҳукуматнинг 400 га яқин қарори ва 600 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд.



Ислоҳот жараёнида асосий эътибор тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш ва фаолиятини бошлашга доир тартибни соддалаштиришга қаратилди. Шу мақсадда 2017 йил 1 апрелдан тадбиркорлик субъектларини Давлат интерактив хизматлари ягона порталига интеграциялашган интернет тармоғидаги тизим орқали кеча-ю кундуз давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизими яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 66-қарори билан тасдиқланган низомнинг 2-бандига қўра тадбиркорлик субъектлари Давлат хизматлари марказлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик ҳуқуқи фани назариясида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар умумий маънода «тадбиркорлик субъектларини легитимлаш» деб юритилади.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишнинг ягона тизимини яратиш жаҳонда шакланган илғор амалиёт билан боғлиқдир. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида «бир дарча» таъйинлидан кенг фойдаланилади. Масалан, Францияда бизнес-расмиятчиликлар бўйича марказлар тармоғи бор, улар рухсатнома бериш бўйича давлат органлари белгиланган талаблар юзасидан маълумотлар тақдим этади.

Ўзбекистон президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5087-фармонида тадбиркорлик субъектларини айниқса фаолиятини йўлга қўйиш даврида қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг кафолатларини кучайтириш, ривожланишига ҳар томонлама қўмаклашиш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида аниқ чоралар назарда тутилди.

Ўзбекистон президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомил-

ларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5409-фармони билан тадбиркорлик соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартибининг айрим турлари бекор қилинди. Бундан ташқари, тиббиёт ва фармацевтика билан боғлиқ фаолият, уяли алоқа ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари, фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензияларни амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда бериш жорий этилдики, бу лицензия муддатини узайтириш ёки қайта расмийлаштириш билан боғлиқ ортқича харажат ва оворагарчиликларни бартараф қилди.

2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллашти-





риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5490-фармон билан эса тадбиркорларнинг мулклари ва мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор чоралар амалга оширилди.

Хусусан, кўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, қўп йиллик дарактларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома-ни расмийлаштириш бекор қилинди, тегишли ёзувни давлат реестрига электрон шаклда кириштириш тартиби жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик

шахсларга етказилган зарарни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ташкил қилинди.

Ҳукуматнинг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-қарори билан тасдиқланган низоми асосида кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг янги тизими амалга киритилди.

Ўзбекистон президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4270-қарорида ҳам бир қатор янги қондалар белгиланди ҳамда илгари амалда бўлган айрим бюрократик тартиб-таомиллар бекор қилинди. Маса-



Ўзбекистон президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5409-фармони билан тадбиркорлик соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартибининг айрим турлари бекор қилинди.

лан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар реестрга фақат давлат нотариал идорасининг талабномасига асосан электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилиши ва бир вақтнинг ўзиде реестрдан кўчирма берилиши амалиёти жорий этилдики, бу бутун дунёда амал қиладиган кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг Торренс тизими ва Франция кадастр тизимига ҳамоҳангдир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни реестрга киритиш ва реестрнинг нотариал идоралар томонидан юритилиши ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини таъминлаш ва уларнинг устуворлигини кафолатлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини ку-

чайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги 5780-фармонида хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, шу жумладан мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулквий

2020 йил 1 мартдан кучга киришини инобатга олган ҳолда 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш тартиб-таомилларини синаш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш вазифаси белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун Ўзбекистон фуқароси бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон резиденти бўлган юридик шахслар томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олишни назарда тутди. Қонунда ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби, мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари,

ҳуқуқни топширишга доир асосиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни ўзларининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан ҳомийлик ва хайрия ишларига, қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, темир-терсақ ва макулатура йиғиш ҳамда ҳар хил йиғилишларга мажбурий жалб қилиш тақиқланди.

Бундан ташқари, мазкур фармонда мамлакатимизда илк бор қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш бўйича эксперимент ўтказиш назарда тутилган. Яъни, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун

хусусийлаштирилган ернинг ҳуқуқий мақоми ва бошқа масалалар белгиланган.

Хулоса ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳаси қонунчилигининг, хусусан, тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиш қўлами мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг шиддати ва мазмунига мосдир. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириш кафолатларини кучайтириш, турли мансабдорларнинг қонун ҳужжатлари нормаларини ўзбошимчалик билан турлича талқин этишига йўл қўймаслик лозим. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир хил талқин этиш учун мазкур ҳужжатларни қабул қилган органларнинг расмий шарҳларини бериш зарур.

Наргиза АШУРОВА,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси





Терроризмга қарши курашнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг моддий ва молиявий таъминотини аниқлаш ва олдини олиш ҳисобланади. Зеро, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш масаласи кўпгина халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТнинг Терроризмга қарши кураш қўмитаси, ФАТФ (Financial Action Task Force – жинойт даромадни легаллаштиришга қарши молиявий курашни амалга оширувчи ҳукуматлараро ташкилот) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг диққат-эътиборида эканлиги ҳам бежиз эмас.



# Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш:

жинойт-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари

«Террористик фаолиятни молиялаштириш» тушунчаси халқаро майдонда илк маротаба БМТнинг 1994 йилги Халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича чоралар тўғрисидаги декларациясида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг террористик ташкилотни ташкил этиш, унга даъват қилиш, фаолиятига қўмаклашиш, молиялаштириш, рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятдан тийилиб туриш мажбурияти белгиланди. Шунингдек, давлатлар зиммасига уларнинг худудидан террористик база ёки ўқув лагерларини қуриш ёхуд учинчи давлатлар ёки уларнинг фуқароларига қарши террористик ҳаракатларга тайёргарлик қўриш ёхуд ташкил этиш мақсадида фойдаланмаслиги учун амалий чораларни қўриш мажбурияти юклатилди<sup>1</sup>.

Шунингдек, БМТ Бош ассамблеясининг 1999 йил 9 декабрдаги 54/109-резолюцияси билан Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвен-

ция тасдиқланган бўлиб, у терроризмга қарши халқаро-ҳуқуқий курашдаги асосий бўшлиқларни тўлдирди. Илк дафъа халқаро даражада террористик фаолиятни молиялаштиришни жиноий қилмиш сифатида малакалаш бўйича давлатлар мажбурияти белгилаб берилди. Ўзбекистон ушбу конвенцияни Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарори билан ратификация қилган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозим, терроризмни молиялаштиришни миллий даражада криминализация қилиш зарурияти ФАТФ тавсияларида ҳам белгиланган. Унга кўра, «Давлатлар Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция асосида нафақат террористик ҳаракатларни молиялаштиришни, балки террористик ташкилотларни ва алоҳида террорчиларни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, гарчанд, бундай ҳаракатнинг аниқ террористик ҳаракат ёки ҳаракатлар билан бевосита алоқаси бўлмаган тақдирда ҳам жиноий қил-

миш сифатида тан олишлари лозим...»<sup>3</sup>.

Юқоридагиларга асосан мамлакатимизда ҳам терроризмни молиялаштиришга қарши мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 декабрдаги 307-қонуни билан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битим (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилинган<sup>4</sup>.

Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Жиноят кодексига ўз аксини топган.



**«Терроризмни молиялаштириш»** тушунчасига «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунларда ҳамда Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддасида «жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмиш» сифатида таъриф берилган.

<sup>1</sup> Резолюция ООН Генеральной Ассамблеи от 09.12.1994 № А/RES/49/60 «Меры по ликвидации международного терроризма» // URL: <http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N95/768/21/PDF/N9576821.pdf?OpenElement>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001 й., 5-сон, 93-модда.

<sup>3</sup> Рекомендации ФАТФ. Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения / Пер. с англ. М.: Вече, 2012. – С. 15.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 509-модда.





**Шунингдек, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун билан терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган қуйидаги тўртта чора-тадбирлар тизими белгиланган:**

**1** махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат – пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи;

**2** ички назорат – пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

**3** мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар – пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда, пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда, шубҳали операциялар амалга оширилганда ва бошқа ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича амалга ошириладиган мустақил чора-тадбирлар мажмуи;

**4** таваккалчиликларни аниқлашга, баҳолашга ва камайтиришга доир чоралар – пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, шунингдек ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширувчи органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар.



Терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 155<sup>3</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 2016 йил 25 апрелдаги 405-қонунига асосан киритилган<sup>5</sup>. Унда терроризмни молиялаштиришга Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган таъриф билан бир хил тушунча берилган. Терроризмни молиялаштириш учун саккиз йилдан ўн йилгача, оғирлаштирувчи ҳолатларда (такроран ёки хавфли рецидивист, мансабдор шахс, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса) эса ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган. Жиноят кодексининг ушбу моддасида рағбатлантирувчи норма ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра терроризмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Хорижий давлатларда ҳам терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Молдова Республикасининг 2002 йил 18 апрелдаги Жиноят кодексининг<sup>6</sup> «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» деб номланган 23-бобида терроризмни молиялаштириш (279-модда) учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра ҳар қандай шахс томонидан исталган усулда топилган йўлидан қатъи назар ҳар қандай мол-мулкнинг бевосита ёки билвосита тўпланиши, тақдим этилиши ёхуд молиявий хизматлар кўрсатилиши, башарти шахс ушбу мулк ёки хизматлар тўлиқ ёки қисман қуйидаги мақсадларда фойдаланилишини англаган бўлса терроризмни молиялаштириш жинояти деб топилади:

**а)** террористик хусусиятдаги жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш ёки ташкилотчилик қилиш;

**б)** мақсадидан қатъи назар, террористик хусусиятдаги жиноятни содир этиш ёки унга суиқасд қилишга ҳаракат қилувчи уюшган жиноий гуруҳ, жиноий ташкилот ёки алоҳида шахсга.

Юқоридагилар асосида терроризмни молиялаштириш жинояти учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

**биринчидан**, Жиноят кодексининг 155<sup>2</sup>-моддаси («Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш») да назарда тутилган ҳаракатларни молиялаштиришни ҳам ЖК 155<sup>3</sup>-моддаси таъсир доираси (диспозицияси) билан қамраб олиш лозим. Яъни, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш бўйича фаолиятни молиялаштириш ҳам Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддаси билан терроризмни молиялаштириш сифатида малакаланиши;

**иккинчидан**, Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддаси диспозициясини шакллантиришда асосий эътибор «террорчилик ташкилоти»га қаратилган, ваҳоланки, нафақат террорчилик ташкилоти, балки террорчилик ташкилотига аъзо бўлмаган террорчининг фаолиятини молиялаштириш ҳам Жиноят кодексининг ушбу моддаси билан малакаланиши мақсадга мувофиқ.

**Жамшид ИБРОҲИМОВ,**

Ички ишлар вазирлиги академияси мустақил изланувчиси

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда.

<sup>6</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.10.2018 г.) // www.lexjustice.md – Министерство юстиции Республики Молдовы.





Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Бу масала Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши кераклигини таъкидлади<sup>1</sup>.

# Табиий сув ресурслари қонунчиликка доир айрим масалалар



Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонда юқоридаги концепция доирасида мамлакатимизда «Ақлли сув тизими» жорий этилиши, «Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси қабул қилиниши назарда тутилди<sup>2</sup>. Сув ҳўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини қабул қилиш вазифаси қўйилди. Қўрилатган чоралар туфайли 2020 йилда 90 та объектга «Ақлли сув» тизими жорий этилса, улар сони 2025 йилда – 300 тага, 2030 йилга бориб – 1000 тага етказилади<sup>3</sup>. Демак, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш давлатнинг устувор сиёсати бўлиб қолади.

Мамлакатимизда ва Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосла-

рини ташкил этувчи қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, бу борада ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган ва амалга ошириб келинаётганига йигирма етти йилдан ортиқ вақт ўтди<sup>4</sup>. Ўтган салкам ўттиз йил вақт давомида қонунга давр талабларидан келиб чиқиб ўндан зиёд марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларга зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувга доир муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга йўналтирилган.

*Ҳозирги вазиятда шунини таъкидлаш керак, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 2<sup>1</sup>-моддасида «Сув объектларини бошқариш» деган тушунчага таъриф берилмаган. Аммо фармон ва қарорларларда сув ресурслари (объектлари)ни бошқариш деган ибора қўп қўлланган<sup>5</sup>. Айни вақтда, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси «Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви» деб номланганига эътибор қаратиш лозим.*

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, амалдаги қонун ҳужжатларида «сувдан фойдаланишни бошқариш», «сув ресурсларини бошқариш», «сув ҳўжалигини бошқариш», «сув объектларини муҳофаза қилишни бошқариш» деган термин ва иборалар қўп учрайди. Шу билан бу соҳадаги «бошқарув» ва «давлат бошқаруви» категориялари маъно-мазмунига ойдинлик киритиб олиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Соҳага оид тадқиқотчи, юридик фанлар номзоди Н.Скрипниковга қўра, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш соҳасидаги бошқарув деганда компетенцияли органлар, ваколатли шахслар,

жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан қонунчилик талаблари асосида сув ресурсларига эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шунингдек сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар йиғиндисини тушунилади<sup>6</sup>. Мазкур таъриф фуқаролик қонунчилиги талқинидаги мулк ҳуқуқи таърифи нуқтаи назаридан ифодаланган. Аммо у табиий сув ресурсларини бошқариш институтининг мазмун-моҳиятига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Чунки табиий сув ресурсларига эгаллик қилиш ёки уларни тасарруф этиш инсонлар хоҳиш-ихтиёридаги масала эмас.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2020 йил 3 март.

<sup>3</sup> Халқ сўзи, 2020 йил 29 февраль.

<sup>4</sup> Мазкур қонунга 1997 йил апрелда, 1998 йил сентябрда, 2000 йил июлда, 2001 йил январда, 2003 йил декабрда, 2009 йил декабрда, 2014 йил декабрда, 2019 йил августда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси президентининг «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2019 йил 9 октябрь). – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2019 й., 07/19/4486/3886-сон.

<sup>6</sup> Қаранг: Скрипников Н. Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект). – Т., 2004, с.75.





Бу борадаги бошқарув ҳақида гап борганда, мутасадди орган ва ташкилотлар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда табиий сув ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза этиш соҳасидаги фаолият мазмуни ва тартиби тушунилиши тўғри бўлар эди.

**Юқорида номи тилга олинган муаллиф сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш соҳасидаги бошқарувни тўрт турга ажратади:**

- давлат бошқаруви;
- идоравий бошқарув;
- ишлаб чиқаришга оид бошқарув;
- жамоатчилик бошқаруви.

Бу ўринда жамоатчилик бошқаруви ўрнига маҳаллий бошқарув, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражасидаги бошқарув дейиш ўринли бўлар эди. Олимнинг фикрича, давлат бошқаруви – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган бошқарув бўлиб, у сувдан оқилона фойдаланиш ва уни самарали муҳофаза этишда муҳим роль ўйнайди.

Идоравий бошқарув соҳавий бошқарув принципи асосида вазириликлар, давлат кўмиталари ва давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий бошқарув деганда, бизнинг фикримизча, сув ресурсларини бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни самарали муҳофаза этиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ижро этувчи органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув ҳамда тезкор фармойиш бериш фаолияти ва тартиби тушунилади. **Мазкур таърифни «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

Ишлаб чиқариш соҳасида сувдан фойдаланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам давлат сув хўжалиги идоралари назорати остида фаолият юритадилар. Чунки мамлакатимизда сув ва сув объектлари давлат мулки ҳисобланади. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 3- ва 4-моддаларида қуйидаги нормалар мустаҳкамланган:

Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан кўриқланади.

**Ягона давлат сув фонди:**

- жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, бўлоқлар, ҳовузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан;
- ер ости сувлари, қор захиралари ва музликлардан иборатдир.

Трансчегаравий сув объектларининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларининг) сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш самардорлигини оширишга йўналтирилган ўнга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларида, аввало, давлатимизнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги сиёсати, қолаверса давлат органларининг сув объектларини бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш функцияси ўзининг ҳуқуқий асосларини топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси парламенти сувга доир муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш орқали шу соҳадаги сиёсат асосларини белгилаб, тегишли давлат функциясини адо этади деб ҳисоблаймиз. Масалан, булар қуйидаги функциялар:

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш ва бошқалар» (Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси)<sup>8</sup>.

**М. АШИРБАЕВА,**


ИИВ академияси ўқитувчиси

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги 240-қонуни тахририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 52-сон, 555-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2004 й., 1 – 2-сон, 18-модда.

# «Нуқуқ ва бurch» журналини онлайн харид қилиш учун ЙЎРИҚНОМА

1 [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz) сайтига кириш.



3 Ўзингизга зарур журнални танланг ва “саватга қўшиш” тугмасини босинг.



Huquq va burch 2019/1

20 000 сўм

[Savathga qo'shib](#)

Bo'lim: 2019/1 1-son

4 Ҳосил бўлган ойнадан “view cart” тугмасини босинг.

! You cannot add another "Huquq va burch 2019/1" to your cart.

[View cart](#)

4 “Буюртма бериш” тугмаси орқали тасдиқлаш бўлимига ўтиб, тегишли маълумотларни тўлдинг.

## Маълумотлар

Исм \*  Фамилия \*

Фирма номи (мажбурий эмас)

Давлат \*

Манзил \*

Кўча номи, уй рақами

Корпус, қўшнича маълумот

Шаҳар / қишлоқ номи \*

Вилоят \*

Tashkent

Почта индекси \*

Телефон рақам \*

Email манзил \*

5 Маълумотларни киритиб бўлганингиздан сўнг қулай тўлов усулини танланг.

Буюртмангиз

Номи	Жами
Huquq va burch 2019/1 x 1	20 000 сўм
<b>Жами</b>	<b>20 000 сўм</b>
Учунги тўловга	20 000 сўм

CLICK

Оплатить с помощью CLICK

Payme

[Pay](#)

Шунингдек, онлайн сотиб олиш бўлимига кириш учун ушбу QR-коддан фойдаланиш мумкин.








HUQUQIY  
AXBOROT  
PORTALI


# Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА!

Ушбу хизмат  
орқали сиз



## Электрон журнал

Нашрни PDF форматда  
компьютер ёки смартфонгизга  
юклаб олинг.




## Онлайн обуна

Уйингиздан чиқмасдан  
буортма беринг.



## Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни  
Payme ҳамда Click тўлов  
тизимлари орқали  
амалга оширишинг.



**ОНЛАЙН ОБУНА**  
3, 6 ва 9 ойлик

**+ 10 йиллик архив**  
супер чегирма  
нархларда

## Азиз муштарий!

Нашримизни  
энг биринчилар қаторида  
ўқишни истасангиз  
«Онлайн обуна»  
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнални сотиб олиш ва онлайн обуна бўлиш учун қуйидаги  
ҳаволага кириг: <http://huquburch.uz/shop/>